

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Омонов Жонибекнинг

“Адабий эртакларни ўқитиш методикаси” 5 А «Ўзбек адабиёти»

мутахассислиги бўйича магистрлик

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: филология фанлари
доктори, проф. Б.Тўхлиев

ТОШКЕНТ – 2010

“Адабий эртакларни ўқитиш методикаси” мавзусидаги
магистрлик диссертациясининг мундарижаси

Кириш. Тадқиқотнинг умумий тавсифи.....	2
I БОБ. Адабий эртакларнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни ва уларни ўқитишнинг бугунги кундаги аҳволи.....	9
1.1-фасл. Ўзбек адабиётида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари ва адабий эртаклар.....	9
1.2-фасл. Умумтаълим мактабларида адабий эртакларни ўқитиш ва унинг бугунги кундаги аҳволи.....	15
1.3-фасл. Эртак дарсларини ташкил этишдаги мураккабликлар.....	19
II БОБ. Адабий эртакларни таҳлил қилиш орқали адабий таълимда самарадорликка эришиш йўллари.....	24
2.1-фасл. Адабий эртакларни таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	24
2.2-фасл. Таҳлил жараёнида савол ва топшириқлар билан ишлаш.....	31
2.3-фасл. Адабий эртак дарсларига замонавий ёндашув ва ноанъанавий дарсларни ташкил этиш.....	48
ХУЛОСА	58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	62

Кириш. Тадқиқотнинг умумий тавсифи.

Республикаимиз таълим-тарбия тизимида юз бераётган туб ислохотлар жараёнининг ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий, иқтисодий ҳамда ташкилий асоси бўлмиш “Таълим тўғрисидаги Қонун”, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар, ўқув предметлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда бошқа ўқув-методик воситаларни янада такомиллаштиришни тақозо этиб, таълимни сифат жиҳатидан янгилашни талаб қилмоқда.

Шу маънода, Президент И.А. Каримовнинг 2009-йил якунлари ва 2010-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли Олий Мажлис маърузаси аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси қабул қилинган, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида 2009 йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини, халқ бирдамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлигини қайд этиш билан бирга “Баркамол авлод йили” Давлат дастури чора-тадбирларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга ҳам эътибор қаратилди:

Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган

баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имкониятлар ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шу кунларда ҳукуматимиз томонидан ушбу масала юзасидан қабул қилинган Давлат дастури ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, жами давлат ва нодавлат манбаларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд барча ресурс ва имкониятларимизни сафарбар этишни назарда тутди.

Таълим тўғрисидаги Қонун қабул қилингандан сўнг умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган фанлардан давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан тасдиқланди. Юртимизда таълимнинг ҳуқуқий асослари, истиқболлари қонун билан, унинг мазмун ва сифати стандартлар билан белгиланган, ўқув-методик тадбирлар дарслик ва қўлланмаларда тавсия этилган. Бундан кўриниб турибдики, жамиятимизда соҳанинг қонуний, ташкилий асоси яратилган, тизимга солинган. Эндиги асосий ва долзарб масала мана шу стандартлар ва ўқув дастурларига асосланган ҳолда таълим-тарбияда самарадорликка эришиш, замонавий билимлар билан қуролланган баркамол шахсни, етук кадрни тайёрлаш ва вояга етказишдир (1). Ҳақиқатан ҳам, баркамол шахс, баркамол инсон ғояси педагогикамиз учун тасодифий ёки энди белгиланаётган марра бўлмай, ўзининг бир неча асрлик тарихий илдизларига, тажриба ва анъаналарига эга. Бу ўринда Ҳазрат Алишер Навоий Фарҳод тимсолида комил инсон ғоясини илгари сурганлигини эслашнинг ўзи кифоя. Бугунги кун адабий таълимнинг мақсад ва вазифаларини белгилашда ҳам комил инсон ғояси асосий ўринни эгаллади. Ўзбек педагогикасида адабиёт ўқитишнинг бош мақсадини п.ф.д., проф. Қ.Йўлдошев илк бор батафсил ва тўғри белгилаб берган эди: “...Баркамол шахсни шакллантириш марраси миллий мактабларимизда адабиёт ўқув предметини ўрганиш учун бош мақсад бўлиши мумкин эканлигини қадимий қадриятларимиз ҳам, маънавий анъаналаримиз ҳам, узоқ тарихга эга педагогик амалиётимиз ҳам, кишиларимиз руҳий оламига сингиб кетган бадиий адабиётимиз ҳам тақозо этади.”² (12, 62-бет)

Баркамол шахсни шакллантириш нафақат адабий таълим, балки таълимнинг умумий ўрта босқичида барча фанларни ўқитишдан кўзланган бош мақсаддир,

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – // – Халқ сўзи. – 2010. – 30 январ. – № 21.

“Баркамол авлод орзуси” китобида мамлакат раҳбарининг фикрлари, ўй-мулоҳазалари билан танишган одам баркамол шахс тарбиясига давлат миқёсида нечоғлиқ жиддий аҳамият берилаётганлигига амин бўлади.¹ (5, 18-бет) Таълим тизимидаги ҳар бир предметнинг бу борада муайян имкониятлари бор. Лекин уларнинг ҳар бири шахс комиллигининг қайсидир бир сифати, жиҳатининг шаклланишида алоҳида мавқега, имкониятга эга. Адабиёт эса ўқувчи шахсиятида руҳий поклик, маънавий юксаклик, эстетик дид каби сифатларини тарбиялашда етакчи омил бўлиб хизмат қилади. Маънавият инсонда яхлит ҳолда намоён бўладиган феномендир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган Яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг муҳандислари деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.”² (3, 39бет)

Профессор Қ.Ўлдошев томонидан аниқланган мақсад бадиий адабиётнинг барча шакли, даври ва таълимнинг босқичларига тааллуқлидир. Хусусан, биз тадқиқ этаётганимиз адабий эртакларни ўқитиш учун ҳам.

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликдан сўнг назарий моҳияти тубдан қайта кўриб чиқилган адабиётшунослик ва адабиёт ўқитиш методикаси фанларининг илмий-педагогик, ўқув-методик асосларига янгича ёндашувни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

“Аср бошидан буён кўрсатиб бериш”, “фош этиш”, “аниқлаб бериш” билан шуғулланиб келган миллий адабиётшунослик аср адоғига етганда тадқиқ ва талқинга майл кўрсатмоқда. Эндиликда ўзбек адабиёти тарихи янгиланаётган бадиий тафаккур талаблари асосида қайта идрок этилмоқда, бу даврда яратилган асарларнинг асл моҳиятини очишга ҳаракат қилинмоқда. Адабиётшунослик узок вақт мобайнида бадиий асарларни, асосан, ижтимоий нуқтаи назардан текширишга мослашган бўлса, энди мавжуд қолипларни тарк этароқ, бадиий

матнга эстетик талаблар асосида ёндашишга, ҳар қандай хулосани матндан келтириб чиқаришга уринмоқда. Натижада, кўплаб битикларнинг асл бадиий қиймати, бир қатор адибларнинг миллат эстетик тафаккури тараққиётидаги тарихий ўрни холисона белгиланаётир. (11, 123-бет)

Адабиётшуносликдаги мазкур янгиланишларни адабиёт ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш XX аср 90-йилларининг биринчи ярмидан бошлаб яратилаётган дастур, дарслик ва қўлланмаларда акс этиб, бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, республикамиз мактабларидаги адабиёт ўқитиш ишига ижобий туртки берди. Шунингдек, Қозоқбой Йўлдошев, Боқижон Тўхлиев, Сафо Матжон, Марғуба Мирқосимова, Қундузхон Ҳусанбоеваларнинг докторлик ишлари асносида олиб борган тадқиқотлари, яратган монография ва қўлланмалари ҳамда ушбу олимлар раҳбарлигидаги илмий изланишлар соҳа ривожига сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Босиб ўтилган тарихий тараққиётимиз давомида халқимиз маърифат, маънавият ва маданият соҳаларида катта ютуқларга эришди.

Ўзининг бой тарихига, бетакрор анъаналарига эга бўлган ўзбек адабиёти бугунги кунда жаҳонга танилган катта бадиий ҳазиналардан бири бўлиб қолди. Бунда барча олимлар қатори миллий адабий анъаналарнинг, жумладан, бой тарихга эга бўлган халқ оғзаки ижодининг роли ва ўрни буюқдир.

Чиндан ҳам ёзма бадиий адабиётнинг халқ оғзаки ижодига муносабати адабиёт назариясининг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбек халқининг бой оғзаки ижоди қадим замонларга бориб тақалади. “Туркий халқлар ўз ёзма адабиётларини вужудга келтирмасдан бурун мазмуни бой, шакли ранг-баранг бўлган оғзаки адабиёт – қўшиқлар, эртақлар, дostonлар яратган эдилар”, (23) – деган эди Ойбек.

Бу ҳол, шубҳасиз, Аҳмад Яссавий, Сайфи Саройи, Дурбек, Лутфий, Алишер Навоий, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат каби буюқ алломалар ижодига фольклор асарлари таъсирини юзага келтирди. Айниқса, XX аср ўзбек адабиётида фольклорга қизиқиш, ундан ижодий ўрганиш янада жонланди.

Бу ҳол, адабиётда янги жанрларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Яъни, халқ эртаклари, афсона ва ривоятлари асосида, уларнинг таъсирида яратилган адабий эртаклар: эртак-шеърлар, эртак-достонлар шулар жумласидандир.

Ҳозирда амалда бўлган адабиёт фанидан Давлат таълим стандартларида адабий эртакларни ўқитиш-ўргатиш тавсия этилган. Мазкур адабий эртакларни ўрганишда эришилган ютуқларни умумлаштириб, ушбу мавзуларнинг ўқитилишини такомиллаштириш орқали адабий таълим самарадорлигига эришиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Кейинги йилларда мавзуга алоқадор тадқиқот ишлари, бир қатор илмий-методик мақолалар юзага келди. Хусусан, Марғуба Мирқосимованинг “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари”, Қозоқбой Йўлдошевнинг “Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари”, Боқижон Тўхлиевнинг “Адабиёт ўқитиш методикаси”, В.Қодировнинг “Мумтоз адабиётни ўқитиш муаммолари ва ечимлари” каби китоблар яратилди. Бироқ бу тадқиқот ва қўлланмаларда биз қўйган масалалар бевосита ёритилмаган ҳамда тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат ҳам ишимизнинг долзарблигини яна бир қарра белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади. Адабиёт ва фольклор масалалари билан боғлиқ катта авлод ёзувчиларининг ижодий тажрибалари ҳамда ҳозирги адабий жараёнда яратилаётган адабий эртакларни таҳлил этиш, умумтаълим мактабларининг 5-6 синф Адабиёт дарсларида ўқитилиши кўзда тутилган адабий эртак дарсларининг мазмунини белгилаш ва шу орқали ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантириш, янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий тизимига доир тавсиялар бериш, мавзу юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари асосида методик тавсиялар тайёрлашдан иборат бўлса, қуйидаги масалаларни ҳал қилиш **тадқиқотнинг вазифалари** сифатида белгиланди:

- фольклорнинг халқ томонидан ишланиб, шаклланиб, такомиллашиб келган маълум бадиий-эстетик тизим сифатида ёзма адабиётнинг ривожидан тутган ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

- халқ эртаклари, афсона ва ривоятларидаги сюжет йўналиши, фикр-ғояларнинг ёзувчилар томонидан қайта ишланиб, сайқал берилиб асар тўқималарига сингдирилишини ўрганиш ва тадқиқ этиш;
- адабий эртакларни Давлат таълим стандартларида ўқитилишини таҳлил этиш, бу борадаги фикр-мулоҳаза ва таклифларни баён этиш;
- умумтаълим мактабларининг 5-6-синфларида ўргатилиши кўзда тутилган адабий эртакларни ўқитилишининг ҳозирги аҳволини ўрганиш, бу борадаги ютуқларни умумлаштириб, мавжуд камчиликлар устида иш олиб бориш;
- тадқиқот мавзусига доир илмий-методик мақолалар, ўқув қўлланмаларни ўрганиш, бу борадаги методист олимларнинг ишларини таҳлил этиш;
- ўрганилган илмий-назарий педагогик манбалар, бугунги кун методика илмининг энг сўнгги ютуқлари асосида илмий-амалий хулосалар чиқариш;
- кузатишлар асосида чиқарилган хулосаларни тажриба майдонларида синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация иши адабий эртакларни таҳлил қилиш асосларини ўрганишга қаратилган биринчи кенг қамровли тадқиқотдир. Шу нуқтаи назардан тадқиқотнинг илмий янгилиги адабий эртакларни таҳлил қилишнинг методик асосларини тадқиқ этиш, адабий эртакларни ўқитишда янги педагогик технологиялар асосида дарс ишланмаларини яратиш, шу орқали мавзунинг ўқитилишини такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш билан характерланади.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитиш, хусусан, адабий эртакларни таҳлил қилишга мустақиллик туфайли шаклланган илмий-тадқиқот методологияси асосида ёндашилди. Сўз санъати ва фольклор муносабатларини чуқур ўрганган Ҳ.Зариф, М.Афзалов, М.Алавия, Т.Мирзаев, Б.Саримсоов, О.Сафаров, И.Ёрматов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, Ш.Турдимов, К.Имомов, А.Мусақулов каби фольклоршунос олимлар, шунингдек адабий таълим самарадорлигини ошириш,

унинг бош мақсади бўлган баркамол инсон ва унинг маънавий оламини шакллантириш йўлида илмий изланишлар олиб бораётган А.Зуннунов, Қ. Йўлдошев, Б.Тўхлиев, С. Матжон, М. Мирқосимова, У.Долимов, Р.Ниёзметова каби методист олимларнинг илмий ишларида эришилган ютуқлар ҳисобга олинди.

Мавзунинг ўзига хос жиҳатларини назарда тутган ҳолда, кузатиш, эксперимент, сўровнома, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг манбалари. Тадқиқотда юқорида тилга олинган муаммоларни ёритишда, асосан, бирламчи манбалар – ўзбек ва жаҳон адабиётида адабий эртак (эртак-шеърлар, эртак-достонлар, эртак-киссалар)лар ёзган ижодкорларнинг асарларидан кенг истифода этилди. Бу жараёнда фақат адабий таълимнинг давлат таълим стандартларидан ўрин олган адабий эртакларга мурожаат қилинди. Зеро, ўзбек адабиётида бундай асарлар жуда кўплаб топилади, уларнинг ҳаммасини таҳлилга тортиш ишнинг мақсади ва ҳажмига мос келмайди.

Шунингдек, тадқиқот ишига асосий манба сифатида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика илмий-педагогика кутубхонаси, Низомий номидаги ТДПУ Асосий кутубхоналарида сақланаётган китоблар, дарслик ва дастурлар, илмий-тадқиқот ишлари, матбуот материалларига мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, мазкур тадқиқот иши яхлит ҳолда адабий таълим самарадорлигини таъминлашга ва методика фани ривожига хизмат қилади. Диссертация ишимизнинг хулосалари ва материалларидан адабий таълимда эртак дарсларни ўқитишда, мавзуга алоқадор дарс ишланмалари, ўқув қўлланмалар, методик тавсиялар тайёрлашда, алоҳида илмий-методик изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи қуйидаги ҳолларда кўринади:

1. Умумтаълим мактабларининг 5-6 синфларида адабий эртакларни ўқитиш бўйича машғулотларни олиб боришда;

2. Диссертация натижаларини амалиётга татбиқ этиш жараёнида Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани 45-умумтаълим мактаби ҳамда Яккасарой тумани 135-умумтаълим мактабларида олиб борилган дарслар асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация иши кириш, олти фаслни ўз ичига олган икки асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация асосий матнининг умумий ҳажми ----- саҳифадан иборат.

I БОБ. Адабий эртақларнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни

ва уларни ўқитишнинг бугунги кундаги аҳволи.

1.1-фасл. Ўзбек адабиётида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари ва адабий эртақларнинг пайдо бўлиши.

Фольклор ўзининг муҳим томонлари билан ижодкор учун ҳар жиҳатдан эътиборли ва қимматли эканини қадимий ва ҳозирги замон адабиёти тажрибалари кўрсатиб берди.

Ўзбек ёзувчилари фольклор асарларини чуқур ўрганиб борганлари ва ундан ижодий фойдаланганлари сари фольклор ва ёзма адабиётнинг ўзаро муносабати тобора такомиллашиб ўз самарасини бера бошлади.

Халқ оғзаки ижоди ёзувчи ва шоирларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан ўсишида, услуб хилма-хиллигини яратишда катта ижодий мактаб бўлиб қолди. Ёзма адабиётда ўз ифодасини топган фольклор сюжетлари ва мотивлари ёзувчи маҳорати туфайли қайта сайқал топиб, оригинал асар сифатида ёзма адабиёт мулкига айланди.

Сўз санъатининг бу икки шакли ўртасидаги ўзаро таъсир тарихи жуда қадим замонларга, яъни ёзма адабиётнинг юзага келиш даврларига бориб тақалади. Қадим замонлардан ҳар бир давр ижодкорлари эртақ мавзуларидан фойдаланиб келадилар. Кўхна Шарқда Абулқосим Фирдавсий, Рудакий, Низомий, Жомий, Навоий бедил, Фузулий, Бердақ, Гулханий, Муқимий каби буюк сиймолар ўз ижодхоналарида халқ оғзаки ижодидан озикланиб, ажойиб самараларга эришдилар, ўлмас образлар яратишда фольклор хазинасидан қандай таълим олиш, нималарни ўрганишнинг ибратли тажрибаларини бердилар.

XX аср янги ўзбек адабиётининг чинакам халқчиллиги ва юксак бадиияти учун курашган, унинг мустақкам пойдеворини куришда жонбозлик кўрсатган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳ.Ҳ.Ниёзий халқ оғзаки ижоди материалларини қайта ишлашда ибрат бўларли ўзига хос мактаб яратишди. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Султон Жўра сингари ўзбек ёзувчилари бу мактаб анъаналарини ўзига хос йўлда изчил ривожлантирдилар. Ҳозирги адабий жараёнда ижод қилаётган ёзувчи ва шоирларимиз ҳам ба анъаналарни давом эттиришмоқда.

Сўз санъати билан халқ оғзаки ижодининг ўзаро таъсири ва муносабати хусусида сўз борганда, санъаткорнинг фольклор асарларига кўр-кўрона эргашмаслиги, уларга таклид қилмай, ўз ижодий нияти, услуби, қарши жиҳатидан ёндашиши кўзда тутилади. Бевосита фольклор сюжетлари асосида яратилган адабий эртаклар (эртак-достонлар, эртак-шеърлар) ва халқ ижоди поэтикасига суяниб яратилган фольклор мотивидаги асарлар ҳақида фикр билдирилса, юқорида таъкидланган асарларда, халқ ижодидаги ўзаро яқин ва оҳангдош бўлган сюжетларнинг таҳлилига алоҳида ўрин берилади. Агар Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-достоида, асосан, “Маликаи Ҳуснобод” эртаги сюжетида асосланган ва бошқа яқин халқларнинг шу мотивдаги эртакларига суянган бўлса, “Семурғ” эртак-достоида шоир конкрет бир халқнинг эртагини асос қилиб олмайди, балки унда ақл бовар қилмайдиган қаҳрамонликлар ҳақида ҳикоя қилувчи “Кенжа ботир” эртаги, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтарувчи Семурғ ҳақидаги Шарқ халқлари эртаклари ва бошқа фольклор асарлари, чунончи, “Зевархон” достоининг сюжет йўналишидан фойдаланади. Масалан, Паризоднинг шартига биноан ёвуз девни енгиш йўлидаги Бунёднинг саргузаштлари беихтиёр Кенжа ботирнинг саргузаштларини эслатади. Агар Кенжа ботирнинг мушкулларини осон қилган учар от бўлса, Бунёднинг бутун синовли ҳаёти давомида Семурғ куш ҳамкор ва мададкор бўлади. Паризод кўйган шартлар эртак ва достонлардаги, масалан, “Алпомиш” достоидаги Ойбарчин шартларини эслатади. Лекин шоир, фольклор асарларидан фарқли ўлароқ, шоҳ оиласида тарбия топган Паризодни ўз ваъдасида турмайдиган, мардлик ва вафонинг қадрига етмайдиган такаббур

шоҳ қизи сифатида тасвирлайди. Шоир фольклор асарларидаги шарт кўйиш прёмидан унинг салбий хусусиятларини очиш мақсадида фойдаланади. Аслини олганда, Паризод томонидан кўйилган шартлар асар сюжетини ҳаракатга келтирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Натижада воқеалар бирин-кетин боғланиб кетади. Синов шартлари эса ёзувчининг кўлида воқеа ривожининг калити бўлиб хизмат қилади.

Шоирлар эртак-достонларни яратишда халқ эртаклари мазмунини шеърӣй йўл билан қайта ҳикоя қилиш йўлидангина борганлари йўқ. Улар ўз эртакларидаги бадииятни юксалтиришда, фикрларини далиллашда халқ оғзаки ижоди намуналаридан энг зарур воқеа ва сюжетларни, тасвирлаш усулларини саралаб олди ва улардан моҳирлик билан фойдаланди. Улар фольклор асарларидаги энг кўп тасвир усулларининг ёзувчи бадиӣй фантазиясини бойитиши мумкинлигини ўз ижодлари мисолида яққол кўрсатишди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ҳар бир ёзувчининг фольклордан озиқланиш принципи турлича ва ўзига хосдир. Агар Ҳамид Олимжон адабий эртак (эртак-достон) ларида фольклор асарларининг шакли, образлари, муболагани тасвирлаш усуллари, образлар талқинини сақлашга мойиллик сезилса, Ойбек достонларида фольклор намуналарини ўз ижодий лабораториясида шундай қайта ишлайдики, натижада асарда фольклор материалларининг мазмуни ва руҳигина сақланиб қолади (“Ўч”, “Бахтигул ва Соғиндиқ” достонлари).

Фольклор мотивлари асосида, унинг таъсирида яратилган эпик асарлар орасида эртак-достонлар кенг ўрин эгаллайди. Агар Зафар Диёр бошқирд халқ эртаклари сюжети асосида “Бургут” шеър-эртагини яратган бўлса, ўзининг тарбиявий мавзудаги бир эртак-достонини “Янги эртак” деб атайди. Буларда шоир воқеани ҳикоя қилиш, фикрни ифодалашда халқ эртаклари шакли ва тасвир усулини қўллайди. Бу ўринда тожик халқ эртаги асосидаги “Зангори гилам”, “Қалдирғоч”, “Жаннат ” номли янги эртакларни (шоирнинг ўзи алоҳида таъкидлаганидек, булар чиндан ҳам Янги мазмундаги эртаклардир) яратган Султон Жўранинг изланишлари ҳам характерлидир. Буларда шоир эртаклардаги тасвир услуби ва поэтик воситалардан унумли фойдаланади. Масалан, у

“Қалдирғоч” эртак-достонида тасвирни эртаклардагидай бошлаб, ўқувчини бевосита воқеа тафсиллигига олиб киради.:

Шу кушлар орасида,
Атласнинг қорасидай,
Ҳар қаноти куш каби,
Отилганда тош каби –
Бир қалдирғоч бор эди
Тўшчаси чипор эди.

Шоир ўзининг “Зангори гилам” адабий эртагида фольклор мотивида оригинал эпик асар яратишнинг ёрқин намунасини кўрсатди. Эртак икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда халқ ўртасида кенг тарқалган шу номли эртак сюжетида кенг фойдаланилган. Асар воқеаси халқ эртакларидагидек:

Бор эканда, йўқ экан,
Оч эканда, тўқ экан, –

зайлида бошланади. Шоир халқ эртаклари билан қоришиб кетган оддий сюжет заминида халқимизнинг асрлар бўйи орзу қилган эзгу ниятлари амалга ошганини кишиларнинг севинч ва шодлик кайфиятларида ифодалайди.

Маълумки, кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида кўплаб ижодкорлар халқ эртак ва достонлари билан бир қаторда, афсона ва ривоятларга ҳам мурожаат қилиб келишган. Биргина сўз мулкининг султони Алишер Навоий ижодининг ўзиёқ бу фикримизга мисол бўла олади.

Ёзма адабиётнинг турли жанрларида майдонга келган асарларга асос бўлган манбалардан бири Александр Македонский ҳақидаги афсоналардир. Унинг ҳақида Ғарб ва Шарқ мамлакатларида жуда кўп тарихий ва бадиий асарлар битилган. Александр Македонский образи уни бўрттириб изоҳловчи, илоҳийлаштирувчи уйдирма ва тўқима таърифлар орқали кенг тарқалган. Бу хил ҳангомалар эса турли афсона ва ривоятларнинг юзага келишига туртки берган. Бу тарихий манба ва афсона-ривоятлар жаҳон халқларининг оғзаки ва ёзма ижодида яратилган бадиий асарларга асос ва туртки бўлган. Шу жумладан, шох Искандар мавзуи Шарқ классикларининг “Хамса”ларида ҳам ўз тасвирини топган.

Шундай қилиб, халқ ижоди ва тарихий манбалар асосида яратилган Искандар ҳақидаги бадиий асарлар ҳар бир ёзувчининг ўз идеали, дунёқараши билан изоҳланади. Мумтоз адабиётимиз вакиллари Искандарга бағишланган дostonларида ўтмиш воқeалари орқали ўз замонининг долзарб муаммоларини акс эттиришга муваффақ бўлдилар.

Фольклор сюжетларидан яна бири шохли Искандар ҳақидаги эртак-афсона бўлиб, у Фарбада ҳам, Шарқда ҳам турли миллат вакиллари ўртасида кенг тарқалган.

Эртак мазмунича, Искандарнинг бошида шоҳи бор эмиш, у буни сир тутлади. Шунинг учун сочини олган ҳар бир сартарошни қатл этади. Бора-бора сартарошлар сони камайиб, сўнггиси келганда, шоҳ сирни фош этмаслик шarti билан уни омон қолдиради. Қатъий сўз берган уста бу сирни ҳеч ичига сиғдира олмай, кудуққа айтади. Даврлар ўтиб, у ерлар қамишзорга айланади. Бу қамиш-ан най ясаб чалган чўпон сирдан огоҳ бўлади. Шу тарзда сир ошкор бўлади.

Шундай қилиб, бу ҳодиса ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижодида турлича талқин қилинади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида “шоҳли Искандар” деб юритилувчи бу эртакнинг турли вариантлари бор. Буларнинг айримлари ёзиб олинди, нашр этилган. Бу эртак сюжети ёзма адабиётда ҳам тарқалган. Мақсуд Шайхзоданинг “Искандар Зулқарнайн” эртак-дostonи шулар жумласидандир. Эртак-дostonда афсона ва унинг асосида яратилган эртаклардаги воқeалар бирмунча жонлантирилиб, образли тасвирлар, афористик нақллар билан бойитилади. Шоир Искандарга хос бўлган жоҳиллик, босқинчиликни дostonнинг бошидаёқ қайд этади:

Бор экану, йўқ экан,
Кунчиқарнинг чегида,
Етти тоғнинг тегида
Бир подшоҳ бор экан,
Исми Искандар экан.
Шоҳдан экан насаби
Қизиб кетса ғзаби
Мижози аждар экан

Ўзи бу ерлик эмас
Тукқан юрти Рум экан
Фатҳ этишда шум экан.¹ (34)

Искандар бошида шохи борлигини қаттиқ сир тутади. Ўзи танҳо хилват хужрада сартарошга соч олдириб, сўнг уни сирли равишда қатл эттиради. Қанчадан-қанча бегуноҳ сартарошлар қатл этилиб, сартарошлар уруғи камайиб кетади. Сарбозлар тутиб келтирган сўнгги сартарошни шоҳ ўлдирмасликка ваъда қилиб, унга шарт қўяди:

Мен худоман, сен банда,
Индама, тинч тур зинҳор.
Ўлгунча сир сенга ёр,
То бўлмайин шарманда.
Бажарсанг бу тилакни,
Сенга инъом пулу мол,
Йўқса тутмоқ кўп маҳол –
Эл оғзига элакни.

Бир куни сартарошнинг тоқати тоқ бўлиб, хилват жойдаги бир қудуқ ёнига келади ва бошини суқиб:

– Войдод, дунёлар шоҳи,
Искандарнинг бор шоҳи, –

дейди дилидаги дардини ёзиб, енгил тортади. Орадан кўп давр ўтади. Қудуқни тупроқ босиб, у ерда қамишзорлар пайдо бўлади. Шу ерда тирикчилик қилаётган чўпон қамишдан бирини олиб най ясайди. Лекин ундан:

– Войдод, дунёлар шоҳи,
Искандарнинг бор шоҳи, –

деган овоздан бўлак нарса эшитилмайди. Шу тарзда бу гап ҳар ёққа тарқалади.

Бугунги кун адабиётида, бадий тасвирда фалсафийлик, ижодкорлар инсоннинг ўзлигини англаш, ўз кўнгил оламига яқинлашиш жараёни бор мураккаблиги, руҳий қалқишлари ила тасвирлашда баҳс, ўй, хаёл, ички монолог шакллари кенг ўрин эгаллаётган ва бу масалаларда жиддий изланишлар олиб борилаётган ҳозирги даврда афсона ва ривоятларнинг ёзма адабиётдаги роли

айникса, ортиб бормоқда. Ёзувчи афсона ва ривоятлардаги фалсафий фикрларни тўла сақлайди, баъзан эса, ўз фикр-ўйлари билан тўлдиради, ундан ижодий фантазиясини бойитадиган, хаёл уфқларига туртки берадиган жуда кўп муаммоларга жавоб оладиайни чоғда уни бугунги воқелик билан боғлайди. Шу тарзда мифологик мазмун, унинг Инсон ва ҳаёт муаммолари билан ҳамоҳанг томонлари замирида ташкил топган воқеалар бадиий асар ичига кириб келади.

1.2-фасл. Умумтаълим мактабларида адабий эртақларни ўқитиш ва унинг бугунги кундаги аҳволи.

Бугунги кунда адабий таълим олдиға ўқувчи ёшларнинг миллий-маънавий кадриятларни пухта ўзлаштиришлари, уларнинг бадиий эстетик дидларини шакллантириш ва ривожлантириш, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ўстириш, ҳар томонлама етук шахснинг ақлий ва руҳий камолотига эришиш, онгу тафаккурини ўстириш, мустақил фикр кишисини тарбиялаб вояға етказиш каби муҳим вазифалар қўйилган. Мазкур вазифаларни адо этишда адабиёт Фани умумтаълим тизимидаги бошқа ўқув фанлари орасида салмоқли ўринни эгаллайди. Адабий таълимнинг бош мақсадини ҳам соғлом, маънавиятли шахсни тарбиялаш ташкил этади. Бу мақсад ва вазифаларни бажаришда ўзбек адабиёти намуналари қаторида адабий эртақларнинг ҳам имкониятлари мавжуд.

Адабиёт фанидан умумий ўрта таълим мактабларининг Давлат таълим стандартларида адабий эртақларни ўқитиш-ўргатиш тавсия этилган. Бунда ўқувчиларнинг ёши, қизиқишлари, дунёқарашлари доираси инобатға олиниб, адабий эртақлар 5-6-синфларда ўрганилиши кўзда тутилган. Умуман олганда, фарзандларимиз оилада, мактабгача таълим муассасаларида ҳам эртақлар ва адабий эртақларнинг ранг-баранг намуналари билан танишадилар. Анна шу танишувлар жараёнида уларнинг умумий дунёқарашлари шакллана боради, шу билан бирға мазкур асарлар орқали дунёни тушуниш, олам ва одамни идрок этиш каби хислатлар таркиб топади, бадиий-эстетик дидлари, поэтик тафаккурлари ўсиб боради.

Шундай экан, ҳозирда адабий эртақларни ўқитиш қай аҳволда? Бу жанрни ўқитишдаги мураккабликларнималардан иборат? Бу каби саволларга жавоб топиш ва олдимизга қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб олиб борилган тажриба-синов ишлари жараёнида бирқатор салбий ҳолатларга дуч келдик. Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли бир қатор мактабларда ўтказилган тажриба-синов жараёнида малакали адабиёт ўқитувчилари билан суҳбатлар олиб борилди, уларнинг адабий эртақ дарслари кузатилди, ўқувчиларнинг анкета саволларига жавоблари ўқитишнинг бугунги аҳволини ойдинлаштириб берди. Мазкур жараёнда ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан муурожаат этилди:

1. Эртақлар ва адабий эртақлар, бу икки эртақ турлари ўртасида фарқ борми?
2. Фарқи бўлса, бу фарқларни санаб беринг ёки бўлмаса нима учун?
3. Сиз Адабиёт дарслигидан кўпроқ адабий эртақлар жой олишини истайсизми?
4. Нима учун хоҳлайсиз ёки нима учун хоҳламайсиз?
5. Адабиёт дарслигидаги адабий эртақ ҳақида берилган назарий маълумот бу жанр ҳақида етарлича билим берадими?
6. Бу дарсларда саҳналаштирилган дарс тарафдоримисиз?
7. Адабий эртақлар ёзган муаллифларни санаб беринг.
8. Сизда кўпроқ қайси адабий эртақ қаҳрамонлари ёқади? Нима учун?
9. Тенгдошларингиз орасида энг машҳур адабий эртақ қаҳрамони қайси бири?
10. Охирги марта кутубхонадан олган эртақ китобларининг номини ёзинг.

Ўқувчилар жавобларининг таҳлили адабий эртақ дарсларининг самарадорлиги қониқарли эмас, деган хулосага келишимизга сабаб бўлди. Зеро:

— аксарият ўқувчилар бу жанр ҳақида маълумотга эга эмаслар;

— халқ эртақлари ва адабий эртақлар орасидаги фарқни ажрата олишмайди.

Ўқувчилар бу икки эртақ тури ўртасида фарқ борлигини эътироф этишса-да, бу фарқларни айтиб бера олишмади. Демак, адабий эртақ ҳақидаги назарий маълумотларни ўқитишга ҳам эътиборни кучайтириш лозим;

- аксарият ўқувчилар эртақ дарсларини сахналаштирилган ижро дарслари тарзида олиб бориш тарафдорлари эканликларини билдиришган. Зеро, сахналаштирилган роли ўйинлар таълим бериш билан бирга, ўқувчиларнинг ижодий фаолияти, уларнинг ўзаро мулоқот ва нутқ маданиятини ривожлантиради, мантиқий фикрлаш ҳамда билимлардан хулоса чиқаришга ўргатади;
- адабиёт дарслигидан ўрин олган адабий эртақлардан янада кўпроқ адабий эртақлар жой олишини ҳаммалари хоҳлашганларини кузатдик. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, бу ёшдаги болалар кичкиналигидан эртақ эшитиб ўрганишган, ҳамон жонажон эртақларидан айрилишни исташмайди. Уларнинг ёши, кизиқишлари ҳам бошқа жанрларга қараганда, адабий эртақларга кучли эканлиги айна ҳақиқатдир.

Бугунги куннинг асосий талаби таълимда самарадорликни таъминлаш экан, бу каби муаммоли ҳолатларнинг ечимини излаш лозим. Бунда энг аввало, Фан ўқитувчиларидан янада фидойилик, жонкуярлик талаб этилади. Шу билан бирга қуйидаги тавсиялар ҳам бу муаммолар ечимида ижобий рол ўйнайди, дейиш мумкин:

а) дарсликдаги назарий маълумотларни ўрганиш чоғида уни шунчаки ўқиб, ёдлатиш самарали усул эмас. Ўқитувчи турли методлардан фойдаланиб, ўқувчининг ўзи хулоса чиқаришига эришиши лозим;

б) агар дарсликдаги назарий маълумот етарли эмас деб ҳисобланса, уни турли манбалар асосида тўлдириш мумкин. Умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун яратилган Адабиёт дарслигида адабий эртақлар ҳақида ҳам маълумот учрасада, улар яхлит ҳолда берилмаган. Дарсликдан ўрин олган халқ эртақларидан сўнг берилган назарий маълумот - “Эртақ ҳақида тушунча”да адабий эртақлар “ёзма эртақлар”номи билан аталган ва унда асосан жаҳон ва ўзбек адабиётида бу жанр ривожига салмоқли ҳисса қўшган адиб ва ёзувчилар номлари санаб ўтилган, холос:

... Эртақларнинг яратилишига кўра яна бир тури – ёзма эртақлар ҳам мавжудки, у жаҳон адабиёти, хусусан, ўзбек ёзма адабиётининг катта қисмини ташкил этади. Кейинги икки-уч юз йилликда француз эртақчиси Шарл Перро

(1628-1703), немис эртақнавислари Эрнест Теодор Амадей Гофман (1776-1822), ака-уа Яков Грим (1785-1863) ва Вилгельм Карл Гримм (1786-1859) лар Вилгельм Гауф (1802-1877), даниялик Ханс Кристиан Андерсен (1805-1875), англиялик Оскар Уайлд (1854-1900), рус эртақчилари А.С.Пушкин (1799-1837) ижодининг роппа-роса 10 йилини фақат болалар учун ҳикматли ҳикоялар ва эртақлар яратишга бағишлаган. Л.Н.Толстой (1828-1910), К.Д.Ушинский (1824-1870) ёзма эртақчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Ўзбек ёзма эртақчилиги ҳам катта тарихга эга. Жадид боболаримиз Бехбудий, М.Абдуришидхонов, Фитрат, Авлоний, Ҳамза, Сиддиқий – Ажзий ўзлари тузган мактаб дарсликлари учун кўплаб ибратли эртақлар яратдилар. Ўтган аср ўрталарида Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ”, Султон Жўранинг “Зангори гилам”, Ш.Саъдулланинг “Айёр чумчуқ”, “Нўхат полвон”, “Лақма ит” шеърӣ эртақлари, “Ёрилтош”, “Афсона яратган қиз” эртақ-пьесалари, “Қачал полвон” эртақ-қиссаси машҳур бўлди. Адибларимизнинг эртақчилик соҳасидаги анъаналарини кейинчалик Х.Тўхтабоев, А.Обиджон, Т.Адашбоев, Ў.Имомбердиев каби эртақнавис муаллифларимиз давом эттирдилар.¹ (9, 86-бет)

Шу билан бирга, дарсликда эртақ-достон ҳақида батафсил маълумот берилган. Лекин шуни айтиш мумкинки, бизнингча, Ханс Кристиан Андерсеннинг “Булбул” эртагидан сўнг адабий эртақларнинг барча шакллари – эртақ-шеърлар, эртақ-достонлар, эртақ-қиссалар ҳақида батафсил ва яхлит назарӣ маълумот берилиши ўринлидир. Чунки дарсликнинг бу қисмига келиб, Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, М.Шайхзоданинг “Искандар Зулқарнайн” эртақ-достонлари, Шукруллонинг “Умр ҳақида эртақ” эртақ-шеърӣ, Ханс Кристиан Андерсеннинг юқоридаги эртаги ўрганилиб бўлинади. Бунда унғача ўқувчилар ўзлари ўрганаётган асар жанри ҳақида маълумотга эга бўлишмайдимиз?-каби эътирозлар бўлиши мумкин. Лекин ҳар бир асар таҳлили унинг жанрида келиб чиқилади-ку. Профессор М.Мирқосимованинг фикрлари ҳам сўзимизни далиллайди: “Синфда ўқиб ўрганиш учун мўлжалланган ўзбек халқ эртақлари, ҳикоя ва қиссалардан тортиб, “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Юлдузли тунлар” каби йирик асарлар таҳлилига уйғун ҳолда таянч синфларда ўзлаштирилган ...

асарларга хос жанр хусусиятлари ҳақида шакллантирилган билимларни янада чуқурлаштириш зарурлиги сезилади”² (19, 16-бет)

Демак, назарий маълумотларни ўрганишда адабий эртаклар таҳлили жараёнида жанр хусусиятлари ҳақидаги берилган билимларни “Булбул” эртагидан сўнг тақдим этиладиган умумий маълумотлар тўлдирибгина қолмай, малакалар ҳосил қилиши мумкин бўлади.

в) мазкур муаммоларни ҳал этишда яна бир омил борки, у ҳам бўлса адабиёт ўқитувчи ва унинг ижодкорлик фазилатидир. Яъни ўқувчи янгиликка интилувчан бўлар экан, у янгича методларни ўйлаб топиши ва шу орқали таълимда самарадорликка эришиш мумкин.

Кўриб ўтганимиздек, бу борада ечимини кутаётган муаммолар етарлича. Педогог ва адабиётшуносларимиз бу мавзуда бир қатор ишларни амалга оширган бўлишса-да, уларнинг ютуқлари ва хулосалари адабий таълим амалиётига тўлалигича кириб келган эмас. Буларнинг барчаси методист олимларнинг галдаги муҳим вазифалари қаторида турибди.

1.3-фасл. Эртақ дарсларини ташкил этишдаги мураккабликлар

Келажагимиз эгалари бўлмиш бугунги кун ёшлари қалбига гўзал фазилатларни сингдиришда адабиёт дарсларида ўрганиладиган бадий асарлар, жумладан, инсон тарбияси ҳақидаги ахлоқий, таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга адабий эртақлар чинакам дидактика манбаи ҳисобланади.

Шундай экан, адабий эртақ дарсларининг тўғри ташкил этилиши адабий таълимдан кўзланган мақсад сари яна бир дадил қадамдир. Лекин амалиёт даврида мазкур дарсларнинг ўқитилиш жараёнида бир қатор мураккабликлар мавжуд эканлигига гувоҳ бўлдик:

1. Умумтаълим мактаблари 5-синфларида Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртақ-достони ўрганиш учун тавсия этилган бўлиб, бунинг учун дастурда уч соат ажратилган. Лекин мазкур дастур асосида ёзилган дарсликда эртақ матни тўлиқ келтирилмай муаллифларнинг асар ҳақидаги қарашлари берилган.¹ (9, 84-бет) Агар эртақ-достонни дарсликда тақдим этилганидек ўрганиладиган бўлса, ўқувчиларда у ҳақда умумий тасаввур пайдо бўлади, холос. Дарсда ўқувчиларэртақнинг ўзи билан эмас, балки муаллифларнинг асар ҳақидаги қарашлари билан танишадилар, уларнинг хулосаларини ўзлаштирадилар. Бу бутун мактабдаги 5-синф ўқувчилари эртақ ҳақида айнан шундай фикр, шу каби бир хил хулоса чиқарадилар, деганидир.

Бошқача айтганда, ўқувчилар асарга ўзгача ёндошув, айрича муносабат бўлишини, уларнинг ўз қарашлари, мустақил фикри ҳам бўлиши мумкинлигини тасаввур қилмай шаклланиб қоладилар. Бунақада мамлакат раҳбари

И.А.Каримов айтмоқчи “ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирор бир масалани онгли равишда масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчан, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан, саёз савияли, муте кишиларни ..., онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, ишнинг “белига тепиб турадиган ” кадрларни”¹ (5, 40-41-бет) тарбиялаб қўймаймизми?

Қолаверса, уч соат давомида ўқитувчи-ўқувчи нима билан шуғулланади? Биринчи соатда ўқувчилар шоирнинг таржимаи ҳоли билан танишар, дейлик. Аслида бугун мактаб адабий таълими методикасида ёзувчи ёки шоирнинг таржимаи ҳолини ўрганишга алоҳида вақт ажратилмайди, иккинчи соатда эртак ҳақидаги адабиётшуносларнинг қарашлари ўрганилса, учинчи соатда назарий маълумот устида ишланадими? Бунақада ўқувчиларни адабиёт дарсларидан, бадий сўздан лаззатланишдан маҳрум қилиб, китоб ўқишдан бездириб қўймаймизми?

Адабиёт ўқитувчиси бу хатоликларнинг олдини олиш, таълим жараёнини ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш, уларни ўз қарашларига эга бўлган, маънавий комиллик сари юз тутган инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида ташкил этиш учун биринчи дарсни яхлитлигича эртакнинг тўлиқ мутолаасига бағишлаши, шундан сўнггина ўқувчиларнинг руҳий ҳолатидан унумли фойдаланиб биргаликда унинг таҳлилига киришиши ўринли бўлади. Эртакнинг тўлиқ матнини ўқитувчи Н.Каримов ва бошқалар томонидан 5-синф учун яратилган дарсликдан олиши мумкин. Агар ўқитувчи асар таҳлилига бағишланган икки дарсни бир кунга кўчира билса, кетма-кет ташкил этишга эришса, мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо бунинг имкони бўлмаса, машғулотлар одатдаги тарзда уюштирилаверади. Ҳар иккала йўл ҳам методик жиҳатдан хато бўлмайди.

2. Умумтаълим мактабларининг 5-синфларида Антуан де Сент Экзюперининг “Кичкина шахзода” асаридан парчалар ўрганиш учун дастурда тўрт соат ажратилган. Асарни ўрганишга йўналтирувчи дастурий талқин қуйидагича:

“Эртак-қиссада болалар оламининг маҳорат билан тасвир этилиши, унда абадият ва фанийли, ҳаёт, муҳаббат ва ўлим муаммосининг ўзига хос тарзда тасвир этилиши, Кичкина шахзода образи. Эртакдаги бошқа образлар ва улар

ўртасидаги муносабат. Эртақда болалар рухий оламига хос хусусиятларнинг ёрқин ифодаланганлиги. Эртақнинг тарбиявий аҳамияти.”

Методика илмида бадий асарларни бўлакларга бўлиб ўрганишда истаган жойда тўхтаб, кейинги дарсда давом этиш усули тақиқланади. Бунинг ўзига хос педагогик ва психологик сабаблари бор. Ўқитувчи “Кичкина шахзода”ни унинг бобларига таяниб 4 соатга режалаштириб олиши ва ҳар дарсда ўқилган бўлакнинг таҳлилини амалга ошириши ҳам мумкин. Ёки дарсликда берилган парча яхлит мутолаа қилиниб (бунга 40-45 дақиқа керак бўлади) сўнгра ўқувчилар билан бирга унинг таҳлиliga киришиш ҳам хато бўлмайди.

Амалиётчи ўқитувчиларнинг “Кичкина шахзода”ни ўрганиш билан боғлиқ эътирозларида ҳам жон бор. Ўқувчиларнинг уни англаши қийин кечаётганини ҳам тушуниш мумкин. Чунки асар руҳи бизнинг миллий руҳиятимизга унча яқин эмас. Аввало, бизнинг болалар ҳамиша катталарни ҳақ деб биладилар. Ўзбекнинг миллий-ахлоқий хусусиятларида, ўзбекона одоб илмида катталарни танқид қилиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига танқидий назар билан қараш ҳисси йўқ. Бу – ўзбекона ахлоқий меъёр. Бундай туйғу уларнинг ўзлари катта бўлганларида, ҳаётда, одамларга муносабатда ўз қарашлари шаклланганда пайдо бўлади. 5-синф ўқувчиларининг қисса қаҳрамонини ҳис қилмаётганликлари ва асардан маънавий завқ ололмаётганликлари сабаби ҳам шу бўлса керак.

Яна бир фикр борки, ўқитувчилар дастур ва дарсликдаги ҳамма асарларни дарсда ўтишлари мажбурий эмас. Ўқитувчи дастура 15 фоиз ўзгартириш киритишга ҳақли эканини ҳам унутмаслиги керак. Агар “Кичкина шахзода” ўқувчиларни қизиқтира олишига кўзи етмаса, уни ўзи истаган ёки ўқувчилар маъқул топган бошқа бир қизиқарлироқ асар билан алмаштириши мумкин. Фақат бу ишни мактаб методбирлашмаси қарори билан расмийлаштириб қўйиши лозим. Бу ҳақида дастурда ҳам тўхталиб ўтилган: “Дастурда адабиёт ўқитувчиларининг ташаббускорлигини уйғотиш, эркин фикрлашига имкон яратиш ҳамда адабий таълимда ўлкашунослик материалларидан фойдаланишга имкон бериш мақсадида ҳар бир синфдаги адабий материалларнинг 10-15 фоизини маҳаллий минтақа талаби, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг истақларига мувофиқ тарзда истаган адабий сиймонинг исталган бадий юксак асари билан

алмаштириш мумкинлиги ҳисобга олинган. Бунда ўқитувчи ўрганиш зарур деб ҳисоблаган, лекин дастурда кўзда тутилмаган асарни йиллик мавзулар режасига киритиши ва унинг қайси асар ўрнига тавсия этилаётганини кўрсатиши кифоя қилади. Дастурда зарурат тақозоси билан адабий мавзуларни ўрганишга ажратилган соатлар миқдори ҳам ўзгартирилиши мумкинлиги кўзда тутилган.”¹

(31) Ҳар ҳолда, 5-синф дастур ва дарслигида маълум ўзгаришлар бўлгунга қадар, ўқитувчилар “Кичкина шахзода” устида ишлашни лозим топсалар, бу борада изланишлари, янгиликлар яратиб, асарни ўқувчи руҳиятига яқинлаштиришлари лозим бўлади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, дарсликда келтирилган парчада асарнинг аслидаги суратлар билан боғлиқ мураккабликлар мавжуд: “Расмларни муаллифнинг ўзи чизган”, “Мана ўша сурат”, “Мана, мен чизган нарса”, “Шу расмни чизиб бердим” деган жумлалар бор, лекин расмларнинг ўзи йўқ. Бу ҳар қандай китобхон руҳиятида эътироз уйғотади. Ўқитувчи ўқувчиларига бунинг қандайдир изоҳини тайёрлаб қўйиши, эртак аслидаги расмларни топиши ёки ўзи шу расмларни чизиб келиши керак бўлади. Акс ҳолда, ўқувчининг ҳафсаласи пир бўлиб қолиши, дарс кутилган самарани бермаслиги тайин.

3. Адабиёт оламни ўрганишдан кўра, одамни кўпроқ билишга хизмат қиладиган санъатдир. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асарни мустақил мутолаа қилишга қизиқтиришни уларнинг руҳиятига яқин бўлган эртаклардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Эртакларнинг қизиқарли сюжети ўқувчиларни мустақил фикрлашга, асар қаҳрамонларига тақлид қилишга, уларнинг хатти-ҳаракатларига муносабат билдиришга йўналтиради. Шу туфайли ҳам бошланғич синфлар “Ўқиш китоби”, юқори синфлар “Адабиёт” дарсликларида эртаклар қаторида адабий эртаклар ҳам киритилган.

Бир қарашда, адабий эртакларни ўқитиш ишлари жойидадек кўринади. Лекин синчиклаб эътибор берилса, бу жараёнда ҳам бир қатор мураккабликлар мавжуд эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ана шундай мураккабликлардан бири эртаклар ва адабий эртаклар сюжети асосида ишланган мультфилмлар ва кинофилмлардир. Яъни бундай мультфилмлар дарсликка киритилган эртаклар асосида ҳам ишланган бўлиб, бу ўқитувчилар олдига бир қатор мураккабликлар

келтириб чиқармоқда. Бу аввало, мазкур экранлаштирилган эртақлар билан ўқувчиларнинг танишлигидадир.

Ханс Кристиан Андерсеннинг “Булбул”, “Қор маликаси” эртақлари асосида мультфилмлар, кинофильмлар ишланганлиги кўпчиликка аён. Ўқувчилар ёзувчининг бу эртақлари сюжетини фильмлар орқали яхши билишади. Бу ўқувчини асарнинг кинофильмини ёки мультфилмини кўрдим, уни ўқишга ҳожат йўқ, деган нотўғри тўхтама олиб келади ва у жанрнинг бадиий қимматидан бебаҳра қолади. Ана шу жиҳатдан Ёқутистон мактабларида миллий, рус ва жаҳон эртақларини қиёсий ўрганган л.Ф.Григорева ҳақ:

“Муаммо шундаки, ўқитувчилар адабий ва халқ эртақларининг сюжетини ўқувчилар билса бўлди, деб ўқиган асарини мушоҳада қила олиш, адабий билимлар ва китобхонлик малакаси эндигина шаклланаётган 5-синф ўқувчисининг бундай йўл тутишига имконият яратиб беришмоқда.”¹ (10)

Бундай маънавий тубанликдан қутулиш учун ўқитувчи ўқувчининг эътиборини жалб қила оладиган методлардан фойдаланиб дарс ўтиши, экранда кўрсатилмаган, фақат сўздагина акс этган жиҳатларга урғу бериши мақсадга мувофиқдир.

II БОБ. Адабий эртакларни таҳлил қилиш орқали адабий таълимда самарадорликка эришиш йўллари.

2.1-фасл. Адабий эртакларни таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Маълумки, адабий эртаклар умумтаълим мактабларининг 5-6-синфларида ўқитилади. Методика илмида 5-7-синфлар таянч синфлар деб юритилади. Мазкур синфлардаги “адабий таҳлил юқори синфлардагидан фарқ қилиб, бунда ўқувчилар диққати матнни ифодали ўқишга, асар мазмунини ўзлаштиришга, ёзма ва оғзаки нутқни ривожлантиришга қаратилади. Ўқитувчи кўпроқ ўқувчи нутқи орқали, унинг таассуротларини тинглашга ва фикр-мулоҳазаларини бойитишга интилади, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг яхши ва ёмон оқибатларини тушуниб олишларида ўқувчиларга кўмаклашади, маънавият тарбиясига алоҳида эътибор беради.”¹ (19, 55-бет) Ўйрик методист олима, профессор М.Мирқосимованинг юқорида келтирилган фикрлари адабий эртаклар таҳлиliga ҳам хосдир. Шу билан бирга, бу жанрдаги асарларни таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир. Дастурда ўрганилиши назарда тутилган адабий эртаклар таҳлили мисолида бу ўзига хосликларни кузатиш мумкин.

5-синф ўқувчисининг тасаввур оламидаги ўзига хослик, кузатишдаги жонли мушоҳаданинг кучлилиги эртак ва унга яқин мавзуларнинг осонроқ ва таъсирлироқ ўзлаштирилишига имкон беради. Шунинг учун ҳам бу синфда Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-достони бежиз танланмаган. Унда адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот бериш назарда тутилади. Асосий урғу эса “Ойгул билан Бахтиёр” эртаги сюжети ва образлар тасвиридаги

ўзига хосликларга қаратилади. Бу ўринда таҳлилнинг асосий йўналиши эртақдаги асосий қаҳрамонлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, бу қаҳрамонларда бўртиб кўзга ташланадиган аълоқий-маънавий сифатларни ёритишдан иборат бўлади. Эртақда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш тасвирига эътибор тортилар экан, мана шу тушунчаларни ифодалайдиган сўзларга, уларнинг қўлланишидаги ўзига хосликларга урғу берилади. Эртақнинг бадиий хусусиятлари, ундаги тасвир ва ифода воситалари, асар тилининг фавқулодда содда, тушунарли ва равлонлиги, буларнинг натижасида юзага келадиган таъсирчанлиги устида ишланади.

Мазкур эртақнинг ўз ўқилиш оҳанги бор. Ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида шу оҳангни топиб олиши зарур. Унинг қайси қисми йўғон овозда, қайси бўлаги синиқ оҳангда, қай ўринлари майинлик ва қай бири қатъият билан ўқилишини олдиндан белгилаб қўйгани маъқул. Асарнинг ўқилиш оҳанги ва ифодалилиги дарснинг ярим муваффақияти саналади. Ўқитувчи мутолааси билан ўқувчилар кўнглини безовта қила олиши, уларнинг инон-ихтиёрини тўлалигича ўзига қаратиб олиши мумкин. Бутун диққат-эътибори матнга қаратилган ўқувчи бошқа нарсаларга чалғимайди. Бунга эҳтиёж ҳам қолмайди. У бор вужуди билан ёқимли оҳангда ўқилаётган эртақни тинглайди.

Мутолаа давомида эртақ қаҳрамонларининг руҳияти, феъл-атвори ифодаланган, уларнинг табиати тасвирланган лавҳаларни, шоирнинг сўзни ўйнатиб юборган ўринларни ўқувчиларга белгилатиб бориш мумкин. Асар матни устида ишланаётганда ажратиб қўйилган сўз инсонларга хос бўлган баланд сифатлар, чинакам фазилятларга қаратилади, муносабати сўралади. Ўқувчилар томонидан фарқланган, муносабат билдиришга тортилган инсоний фазилятлар уларнинг шахсиятида албатта из қолдиради.

“Ойгул билан Бахтиёр” – адабий эртақ. Унинг биринчи бандидаги тасвирлар эса эртақ ҳақидаги ҳикоя. Лекин Айни вақтда, улар – асл ҳақиқат ифодалари. Унда тирик инсон ва унинг болалик туйғулари, ҳаётидаги энг гўзал давр ифодаланган. Шоирнинг ҳолати эртақни тинглаётган боланинг ҳозирги вазияти билан ҳамоҳанг. Унда айтилаётган эртақларнинг деярли барчаси ўқувчиларга ҳам таниш:

Болалик кунларимда
Уйқусиз тунларимда
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар:
Ўзи учар гиламлар,
Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,
Ойни уялтирган қош ...

Айтилган оҳанги билан ҳам, мазмуни билан ҳам ўқувчи кўнглига хуш ёқади. Шунинг учун эртакнинг бу банди кўп ўқилмасиданоқ ўқувчиларнинг хотирасига бир умрга муҳрланиб қолиши аниқ. Шу каби бадий сўздан таъсирланган, гўзалликка ошно бўлган қалб ёмонликларга кодир бўлмайди.

Бўлажак шоирга бувисининг айтган эртаклари ва улардан чиқариб олган хиссалари қандай таъсир қилгани, эшитганларида фикрини тортган, ҳавасини орттирган нарсалар унинг тақдирида қандай роль ўйнаганини савол тариқасида ўқувчиларга эслатиб ўтган маъқул. Бувисининг эртакларини тинглаётган ёш шоир уларнинг кўпи ёлғон, кўпи чин эканини билади. Мана шу ёлғону чинларнинг таъсир кучи қанчалар баланд эканини ҳам ҳис қилади. Сўзни ҳис қилиш, ундан таъсирланиш инсон тақдири учун қанчалик аҳамиятли экани ўқитувчи томонидан айтилган икки оғиз гап орқали ўқувчиларнинг “қулоғига тушиб қолгани” фойдадан холи бўлмайди.

Умумтаълим мактабларининг Адабиёт ўқув дастурига адабий эртаклар қаторида жаҳон эртакнависларининг асарларига ҳам кенг ўрин ажратилган. Дастурда жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўрганишга доир қуйидаги тавсиялар бериб ўтилган: “Бу асарларни ўрганиш миллий адабиётимиз умумжаҳон адабий жараёнининг узвий бир бўлаги эканлигини аниқлаб туради, айтилиши вақтда, ўқувчиларимиз маънавиятини дунёдаги энг нодир санъат намуналари воситасида шаклланишига эришилади. Ўқитувчи жаҳон халқлари адабиёти билан ўзбек адабиёти орасидаги ўзаро яқинликка, ижодий алоқага эътиборни қаратиши ва улар тараққиётидаги умумийликка, бинобарин,

Ўзбекларнинг дунёдаги бошқа миллатлар руҳияти билан яқинлигига ўқувчиларнинг диққатини жалб этиши зарур. ”¹ (32)

5-синфда Ханс Кристиан Андерсеннинг “Булбул” эртагини таҳлил қилишда юқоридаги тавсияларга эътибор қилиши ва шулардан келиб чиқиши керак бўлади.

Адабиёт дастурида мазкур эртаси ўрганиш учун 3 соат вақт ажратилган бўлиб, ўқитувчи шу соатнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб ўқувчиларни фаоллаштиришга эришиши мумкин. Бунинг учун дарсга ажратилган биринчи соатда эртаси ўқитувчи томонидан тўлиқ ўқиб берилиши, қолган иккинчи ва учинчи соатлар эса асар таҳлиliga бағишланиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ўрта мактабларнинг 5-8-синфларида ижодкор таржимайи ҳолига батафсил тўхталиш шарт эмас. Чунки бу ёшдаги ўқувчилар адибнинг ҳаёт йўли билан унинг асарлари орасидаги боғлиқликни у қадар англаб етмайдилар, аммо адиб ҳақида қизиққан ўқувчилар мустақил ўрганиб олишлари учун дарсликда анча кенг маълумот берилган. Эртасининг ҳаёт йўли ибратлиги билан ажралиб туради. Камбағал оилада вояга етганлигига қарамай, тинмасдан ҳаракат қилганлиги, бунинг устида 14 ёшида отасидан етиб қолиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини, машаққатларини эрта торган, қарийб икки асрдан бери нафақат кичик ёшдаги болалар, балки катта ёшдаги инсонлар маънавиятига таъсир қилиб келаётган буюк эртасининг ҳаёт йўли ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Аниқса, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг руҳиятига таъсир қилиб, уларда ўз кучига ишонч, рағбат, ихлос ҳамда ҳавас уйғотади. Ўзини ҳар хил касб эгаси, гоҳ кўшиқчи, гоҳ эса ўйинчи, гоҳ сатирик, гоҳ драматург сифатида тасаввур қилган ёзувчи оламга машҳур эртаси бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.

Психологларнинг таъкидлашларича, 5-синф ўқувчиси кичик ўспирин ёшига мансуб бўлиб, бу ёшда унда адабий билимлар шаклланади, ўқиш оддий ўқишга эмас, адабий ўқишга айланади. Бу ёшдаги ўқувчи асарни шунчаки ўқимай, муаллиф айтмоқчи бўлган фикрни ҳаёт билан қиёслайди ва ўзига яраша ибратли хулосалар чиқаради. Шу жиҳатдан ҳам йирик методист олим В.Г.Гусевнинг фикрлари алоҳида аҳамиятга эга: “Жамиятда, умуман инсон табиатидаги

иллатлар реал ҳаётда аксини топмагач, фантастик тарзда эртақларда ўз ечимига эга бўлади.”¹ (10, 29-бет) Чиндан ҳам, Андерсен эртақларини ўқир эканмиз, улардаги қарийб икки аср олдинги муаммолар, инсон табиатидаги иллатлар бугунги кунимизгача сақланиб келаётганлиги, ҳатто илдиз отиб кетганлиги, ханузгача бундай иллатлардан воз кеча олмаётганлигимиз – буларнинг бари нафақат ўқувчиларни, балки катта ёшдаги мулоҳазали ҳар бир инсонни ўйга тўлдиради. Ўқитувчи “Булбул” эртагидаги баҳс-мунозарага туртки берувчи ўринларни аниқлаши, ўқувчиларда фикр уйғотиши, синфдаги барча ўқувчини дарсга жалб этиши, асардаги ҳозирги кунимиз учун ҳам аҳамиятли бўлган жиҳатларга ўқувчилар эътиборини тортиши лозим, токи фарзандларимиз табиатида бундай иллатлар барҳам топиши лозим.

Эртақка ажратилган кейинги икки соат унинг таҳлиliga сарфланади. Кўпчилик методистлар жаҳон адабиётига мансуб асарларни ўқувчининг уйда ўқиб келгани мақсадга мувофиқлиги, шундай қилинса, тили, тарихи, дини, маданияти ва дунёқараши ўзгача бўлган адабиётни тушиниш осонроқ бўлишини таъкидлашади. Юқори синф ўқувчиларига йирик жанрдаги асарларни ўрганаётганда мазкур усул ўзини оқлар, бироқ гап Андерсеннинг “Булбул” эртаги хусусида борар экан, бу қоидага амал қилиш ўзини оқламаслиги мумкин, чунки асарда сўзга йўғрилган муаллиф эстетик ғояси мавжуд.

“Булбул” эртагидаги воқеалар Хитой давлатида бўлиб ўтади. Мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар Хитой императори саройини тасвирлаб, унда яшайдиган жажжи сайроқи қуш таърифини ҳам келтиришади. Қизиғи шундаки, на император ва на амалдорлар бу қушнинг мавжудлигидан воқиф бўлишади. Ўз юртида шундай қуш бўла туриб шу пайтгача бундай сайроқи қушни кўрмаганидан императорнинг жаҳли чиқади ва зудлик билан қушнинг саройга олиб келинишини талаб қилади. Амалдорлар саросимада ... Ниҳоят сарой ошхонасида ишлайдиган қиздан булбулнинг дарагини топишади.

Ўқувчилар эътиборини вазир ва хизматкор қиз ўртасидаги суҳбатга жалб қилиш ва бу ҳақида уларнинг мулоҳазаларини эшитиш ҳам дарс самарадорлигини оширади, ўқувчиларни фикрлашга ундайди. Айниқса, қизалоқнинг ... чарчаб қолсам, ўрмонда майсалар устида ўтириб, мазза қилиб

булбул хонишини эштаман! Шундай пайтда кўзларимдан дув-дув ёш тўкилади, онажоним бағрида ором олаётгандай севиниб, ичимга сигмай кетаман!... деган фикрини ёки булбулни излаб кетаётганларида сигирнинг “мў”лашини, қурбақанинг “қурр”иллашини эшитган амалдорлар адашиб, уни булбул сайрамоқда деб ўйлашганларини таҳлил этиш ва бундан хулоса ясай олиш ҳам ўқувчиларнинг маънавий камолотига катта туртки беради. Ёзувчи қиздаги беғуборлик, самимият, кўнгил кўзининг очиклигию қалб гўзаллигини иккиюзламачилик, маънавий тубанлик, сигирнинг “мў”лашию, қурбақанинг “қурр”иллаши билан булбулнинг хонишини ажрата олмаган амалдорларга қарама-қарши кўяди ва бундай қарама-қаршиликда ҳам муайян эстетик ғояни илгари суради. Ўқитувчи асардаги барча образлар соф инсоний туйғуларни қалбакилик, сохталикдан ажрата олишида мусбат ва манфий қутбни ташкил этишини ва булбул марказий образ эканлигини тушунтириши, булбул муаллиф илгари сурмоқчи бўлган эстетик ғоя ҳам айнан шу образда мужассамлашганини ўқувчиларга етказиши лозим.

Табиий булбул гўзал хонишдан кўра, нуқул бир кўшиқни такрорлайдиган сунъий булбулнинг сайрашини афзал кўрган сарой амалдорларидан, императордан кўнгли қолган бўлса ҳам, подшоҳнинг бошига тушган ташвишдан воқиф бўлиб уни Азроил чангалидан қутқаради. Шу ўринда ўқувчилар эътиборини яна бир муҳим жиҳатга, асардаги подшоҳ жонини олишга келган, ўз номи билан ёвузликни ифодаловчи Азроил билан қудратлиликда ундан қолишмайдиган, подшоҳнинг соғлигида соясига салом бериб юрган, ўлим тўшагида ётганида эса ўз олампаҳоқларининг тезроқ ўлишини кутаётган, ҳаракатларига кўра кузғунни эслатадиган амалдорлар шахсига жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Булбулнинг битта хониши билан император жонини олишга келган Азроил ҳам фикридан қайтади. Ана шу жиҳати билан Азроил ҳам ҳиссиз амалдорлардан юқори қўйилади.

Шу ўринда мазкур асарнинг бежиз 5-синф дарслигига киритилмаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз, чунки бу ёшдаги ўқувчи ҳали ташқи муҳит таъсирига у қадар мослашмаганлигини инобатга олсак, таъсирчанлик, туйғулар софлиги ўқувчига асардаги ёзувчи эстетик ғоясини тугал англашига ёрдам беради.

Асар таҳлили жараёнида ўқитувчи яна бир жиҳатга аҳамият бериши ўринли бўлади. Адабий эртақда сунъий булбулнинг ташқи гўзаллиги, бир қўшиқни қирқ марталаб қайта-қайта куйлай олиш қобилиятига қарамасдан, подшо оғир касалга чалиниб, дардига таскин топиш мақсадида хониш қилишини сўраганида бузилиб қолишида ҳам маълум бир эстетик ғоя илгари сурилганлигига ўқувчилар эътиборини жалб этиши, уларнинг бу ҳақидаги мулоҳазаларини эшитиши фойдадан холи бўлмайди. Асар сўнгида табиий булбулдаги садоқат, вафодорлик каби жиҳатларни кеч бўлса ҳам англаб етган, саройда қолишни ўтиниб сўраган императорга булбул томонидан айтилган куйидаги сўзлар ўқувчилар эътиборидан четда қолмаслиги лозим:

“Фақат бир нарсани илтимос қиламан!”- деди яна булбул. – Фуқароларнинг аҳволи тўғрисида бор хабарни айтиб турувчи жажжи қушчанг борлигини ҳеч ким сезмасин. Шундай бўлгани яхши.”¹ (32, 66-67-бет)

Асардаги булбул тилидан айтилган ана шундай ўринларни таҳлил қилиш ва бу ҳақида мулоҳаза юритишда чорлаш ўқувчиларда ўзгалар дардига шериклик, биродарлик, меҳр-оқибат каби сифатларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Дарс сўнгида Андерсеннинг фақат ўз миллати қобиғида қолиб кетмаганлиги, эртақларида умумбашарият учун дахлдор муаммоларни кўтарганлигини таъкидлаб, ана шундай муаммолар жумласига барҳаёт санъат муаммосини киритганлигини таъкидлаш мумкин. Ёзувчининг фикрига кўра, халққа яқин ҳаётни акс эттирган қобилиятгина яшашга ҳақлидир. Ўқувчилар танишган эртақда ёзувчи ёлғон ва ясамалиқдан иборат маҳоратнинг табиий истеъдод билан тўқнашувини акс эттиради. Табиий қобилият табиатга яқин, уни табиий булбул акс эттиради. Эртақдаги сунъий булбул эса, аслида мавжуд бўлмаган ўлик қобилиятдир. У табиийликдан йироқ бўлиб, ўйинчоқ булбулни табиий булбулдан афзал билган сарой амалдорларигагина ёқади. Айни вақтда, табиий булбул, ҳатто ўлимни ҳам енгади, сунъий булбул эса синовларга дош беролмайди.

Демак, адабий таълимдан кўзланган бош мақсад комил инсонни шакллантиришга кўмак бериш экан, бу мақсадга эришишда асарларни тўғри таҳлил этиш катта ёрдам беради.

2.2-фасл. Таҳлил жараёнида савол ва топшириқлар билан ишлаш.

Маълумки, адабиёт ўқувчини эркин фикрлашга ўргатишда, сийратини бой ва соғлом қилишда катта аҳамиятга эга. Зеро, Чўлпон айтганидек, адабиёт ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат сувидир.

Адабиёт фанига шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бугунги кун адабиёт ўқитувчиси олдида машаққатли ва шарафли вазифалар турганлиги аён бўлади.

Бу вазифаларни бажаришда дарслик билан ишлаш, ундаги таҳлил этишга бағишланган матнлар, хусусан, савол ва топшириқлар устида ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Саволлар нафақат ўқувчи, балки ўқитувчининг диққатини қайси ўринга қаратиш лозимлиги, асарнинг қайси ўринларига урғу бериш мумкинлигини кўрсатади. Зеро, Румий ҳазратлари айтганларидек: “Яхши савол ярим билимдир”.

Ҳозирги давр дарсликларининг тузилиши ва мазмуни ДТС талабларига мос келади. Лекин уларни янада мукаммаллаштириш ҳаёт талабидир. Дарсликларда берилган материалларни ўқувчиларнинг ўзлаштириши унда берилган савол ва топшириқларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Савол ва топшириқлар ўқувчиларни оламни ва инсонларни кузатишга, уларнинг ҳолатини ҳис қилишга ва ниҳоят, ўз-ўзини англашга ундайди. Бу жараёнда ўқитувчи ҳам, ўз навбатида, ўқувчиларни кузатиб, уларнинг ҳар бири шахснинг маънавияти даражасини аниқлаб олиш имкониятига эга бўлади.

Бошқача айтганда, савол-топшириқлар моҳият эътибори билан нафақат ўқувчи, балки ўқитувчи учун ҳам жуда муҳим таълимий-дидактик вазифани бажаради.

Савол ва топшириқлар умумтаълим мактаблари адабиёт дарсликлари ва дарслик-мажмуаларидаги материалларнинг зарурий қисми бўлиб, таълим-тарбия тизимида ўрганиладиган билим, ўзлаштириладиган кўникма ва малакалар назоратини уларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

5-6-синфлар адабиёт дарсликларидан ўрин олган адабий эртақлардан ўқувчилар ўзлаштиришлари зарур бўлган билимлар, тушунчалар юзасидан тузилган. Савол ва топшириқларда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, билим даражаларини ҳисобга олиш билан бир қаторда, илмийлик, мантиқий изчиллик, тизимлилик каби таълимий-дидактик тамойилларга риоя қилинганини кўриш мумкин.

Буни 5-синф Адабиёт дарслигидаги савол-топшириқлар асосида кўриш мумкин. Дарсликдаги адабий эртақлар юзасидан тузилган савол-топшириқлар берилган бўлиб, уларда асосий эътибор ўқувчиларга эртақ ҳақидаги маълумотларни янада чуқурроқ тушунтиришга қаратилган. Шу ўринда айтиш мумкинки, профессор В.В.Голубков дарс жараёнида бадиий асар таҳлиliga доир бериладиган саволларни ўз хусусиятига кўра қуйидагича уч гуруҳга бўлади:

1. Тахминий саволлар.
2. Таҳлилий саволлар.
3. Умумлаштирувчи саволлар.

Унинг фикрича тахминий саволлар ўқувчиларни бадиий асарни мустақил равишда таҳлил қилишга йўналтирилган бўлади. Бу хилдаги саволлар асар қаҳрамонлари таркибини, асар қисмларини, сюжет унсурлари ҳамда ёзувчи томонидан илгари сурилган муаммоларни аниқлашга мўлжалланади. Ўқувчилар улар устида ишлар эканлар, маълум бир мақсадда бадиий асар мутолааси жараёнида туғилган таассуротларини умумлаштирадидлар, бадиий асарларнинг сўз санъатидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлашга уриниб кўрадидлар. Масалан, 5-синфда Мақсуд Шайхзоданинг “Искандар Зулқарнайн” эртақ-дostonини дарс жараёнида таҳлил қилишдан олдин мазкур асар юзасидан

ўқувчиларнинг тасаввурларини аниқлаш мақсадида қуйидагича тахминий саволлар тузилади:

1. Асарда қандай воқеалар тасвирланган?
2. Достонда иштирок этган асосий қаҳрамонлар кимлар?
3. Асар воқеалари асосан қаерларда бўлиб ўтади?
4. Эртақ-достон нима учун “Искандар Зулқарнайн” деб номланади?

Ушбу савол эртақ-достонда қўйилган масалаларни аниқлашга, ўқувчиларнинг асар қаҳрамонлари таркиби, сюжет ва композицияси, характерлар эволюцияси хусусидаги илк таассуротларини умумлаштиришга, баъзи бир муҳим муаммоларни номуҳимларидан ажратишга ёрдам беради. Бу хилдаги тахминий саволлар асар таҳлилидан олдин берилиб, маълум маънода асар билан танишишга тайёргарлик босқичини ўтайди.

Таҳлилий саволлар тарзида тавсия этилган иккинчи гуруҳга мансуб савол-топшириқлар бадий асарнинг умумий мазмунини аниқлаш асосий қаҳрамонлар характери эволюциясини белгилаш, асар композицияси, сюжет қурилиши ҳамда бадий тил хусусиятларини таҳлил қилишга ёрдам беради. “Ойгул билан Бахтиёр” эртақ-достонига доир таҳлилий савол ва топшириқлар қуйидаги тарзда тузилади:

Эртақ мутолаасидан сўнг асар матни устидаги иш “Нима деб ўйлайсиз, шоир эртақнинг биринчи бўлимини болалик хотираларига бағишланганлиги сабаби нимада бўлиши мумкин? Асардаги

“Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳар бир қилган ҳиссаси.
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди.”

Мисраларида кўзда тутилган мазмун ҳақида ўйлаб кўринг. Бўлажак шоирга бувисининг қайси ишлари бу қадар кучли таъсир кўрсатганлигини айтинг. Эртақдаги:

“ Тинглар эдим бетиним,
Узун тунлар ётиб жим.
Сеза олардим кучин,

Кўпи ёлфон, кўпи чин.”

сатрларига эътибор беринг. Гап нима ҳақида кетаётганлигини англадинг ва шоирнинг шундай деяётганлиги сабабини тушунтиринг” каби савол-топшириқларни ўртага ташлашдан бошланади. Мазкур таҳлилий савол-топшириқлар устида ишланаётганда асарнинг биринчи бандини қайта ўқиб бериш ҳам мумкин.

Баъзи ўринларда таҳлилий саволларнинг мазмунини ўқувчи англамай қолиши мумкин. Шунда ўқитувчи уларни ўқувчиларнинг тилига яқинлаштириши, нисбатан жўнлаштириши ҳам мумкин. Токи саволда кўтарилган масала ўқувчига тушунарли бўлсин. У саволга жавоб бериши учун матннинг қаерига қараши, нималарни эслаши лозимлигини тўлиқ тасаввур қила олиши керак. Шунда ўқувчининг жавоблари асосли, салмоқли бўлади. Фикри қатъийлашади. Бунинг учун у матнни ўқитувчи билан бирга ичдан ўқиб, матннинг ўқитувчи таъкидлаган жойларига маълум белгиларни қўйиб бориши талаб қилинади.

Эртак мазмуни юзасидан тақдим этилган:

“Асарда Дархон тилидан баён этилган:

“Бош кўтардик, зулмдан

Бўлмоқчи эдик озод

Лекин бу гал бўлмади,

Аммо тилак ўлмади”

икрори замирида қандай маънони англадингиз? Дархон ўлди-ку, тилакнинг ўлмагани нимани англатади?” сингари таҳлилий саволлар ўртага ташланганда кул Дархоннинг хон билан тўқнашуви саҳнаси, унинг хонга муносабати сабабларини ўқувчилар матнга таянган ҳолда ўзлари таҳлил қилганлари маъкул. Шунда улар кўзғолончиларнинг тилаги – зулмдан озод бўлиш эканини, зулм, хорлик, қашшоқлик бир кун шундай яқунланиши аниқ эканини ўзлари кашф этадилар.

“Хон қовоғини уйди, Булутлар ёмғир қуйди” тасвири замиридаги бадий маънони топишга йўналтирилган топшириқда ўқувчилар матннинг шу ўрнига мурожаат қиладилар. Хоннинг қовоғини уйиши билан осмоннинг ёмғирли ҳолати ўртасидаги ўхшашликни уларнинг бири бўлмаса, бири топади. Ўқитувчи

бу ҳолат шоирнинг маҳорати эканини бир оғиз сўз билан билдириб қўйгани маъқул.

Озодлик сари Дархондек мард, довюрак одамлар йўл бошлайдилар. Шундай одамнинг фарзанди бўлмиш Ойгулнинг тақдирга тан бериб, хон саройида яшаб қолиши мумкин эмас эди. Довюрак кишиларнинг дўстлари ҳам кўп бўлади. “Қора кун”да, ғамда инсонлар бир-бирларига яқинлашадилар, бирлашадилар. Ғам-алам нафақат одамларни, хатто хайвонларни ҳам бирлаштиради.

Ўқувчилар эртакдаги:

“Қалдирғоч қошларидан

Тўйиб қарошларидан

Ҳаёт сочилар эди

Гуллар очилар эди.

тарзидаги мисралар ким ҳақда эканини ва нима учун шундай ифодаланганлигини ўйлаб кўринг” топшириғини бажариш учун матндан шу ўринни топган ўқувчилар унинг Ойгул ҳақида эканини дарров англайдилар. Унинг шундай қарашини, бу қарашлардан “ҳаёт сочилиши, гуллар очилиши” сабабини ҳам ўзларича топишга уринадилар. Ўқувчилар бу билан ўз маънавий камолотларини тезлаштиришда иштирок этадилар.

Сусамбилга кетмоқчи бўлган жамбилликларга “Ойгул назар ташлади, Шундай бир сўз бошлади :

Золим хон кучди ўлим,

Энди сизга йўқ зулм.

Эл, осойиш яшарсиз.

Ва бекойиш яшарсиз.

Сусамбилни қўйинглар

Ва Жамбилни суюнглари.

Сизни кидир тупроғи,

Сизники тошу тоғи.

Хон бўлмаса Жамбилда,

Қайғу ҳам бўлмас дилда

Мана бу ота Тарлон

Ҳаммамизга бош бўлур.

Сизлар учун берур жон,

Ҳар ерда йўлдош бўлур.

Бу гаплари билан Ойгул ватандошларига юрт, унинг тупроғи, тошигача азизлиги, ўзгаларнинг Сусамбилидан ўзларининг Жамбилини қанчалар баланд туришини таъкидлайди. Бу ҳаётий ҳақиқатни ўқувчилар ҳам англашлари мақсадга мувофиқ. Чунки асл фарзанд камбағал юртни ташлаб қочмайди, балки қўлидан келганича уни фаровон қилишга интилади.

Ўқитувчи томонидан ўртага ташланадиган “Сиз ўқиган “Сусамбил” эртаги билан дoston-эртақдаги Сусамбил юрти ўртасида яқинлик борми?”-саволи ўқувчиларни ўтган дарсларда олган билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу такрорлаш ўз навбатида уларни таълимнинг таққослаш, қиёслаш методларида ишлашга ўргатади. Бундан ташқари, шоирнинг ўзбек халқ эртақларини яхши билгани, эртақнинг дастлабки бобида айтганлари нечоғли ҳақиқат эканидан далолат ҳамдир.

Асарнинг мазмуни юзасидан тузилган таҳлилий савол-топшириқларнинг ҳар бирида ўқувчи диққатини қаратиши, унинг шууридан ўқиши, кўнглига ўрнашиб қолиши керак бўлган лавҳалар, фикрлар бўлиши зарур. Асарнинг бадиий жиҳатдан гўзал чиққан ўринлари савол-топшириқларда ўз аксини топиши, уларнинг ҳар бирига бадиий, ахлоқий, ижтимоий, маънавий юк қўйилиши, уларнинг ҳар бири ўқувчини асар матнини шунчаки такрорлашга эмас, у ҳақда ўйлашга, мулоҳаза юритишга, тасаввур қилишга йўналтирадиган тарзда бўлиши зарур.

Эртақ мазмуни юзасидан ўқитувчи томонидан ўқувчиларга тақдим этиладиган таҳлилий савол-топшириқлар:

1. Ўйлаб кўринглар-чи , эртақдаги:

Қора кунда қул Тарлон

Қизга қайғудош келди,

Ғамига йўдош келди.

сатрларида “қора кун” бирикмаси нимани ифодалаяпти?

2. Ўтинчи чол: “ҳовлиқиб, бўлиб хушҳол қаққайиб туриб қолди.”

Нега шундай эканини тушунтиринг.

3. У йўқ эди ўзида,
Бир сандиқ сув юзиди.
Лопиллаб келар эди,
Тўлқинда елар эди.
Олмайин икки кўзин
Ерини солиб дарҳол,
Сандиқ кетидан ўзин
Дарёга ташлади чол.

тасвирига таяниб чолнинг қандай одам эканлиги ҳақида фикр айтинг.

4. Охирида қиз туриб,
Ерга қадар букилиб,
Уларга таъзим қилди
Чолга қараб эгилди.

мисраларида хонларга бўйин эгмаган қизнинг подачиларга эҳтиром кўрсатишини қандай тушундингиз?

5. Ойгулнинг табиатини англашга ёрдам берадиган қуйидаги сатрлар:

Икки катта ҳалқалик,
Гавҳар топувди унда.
Қадрини билган эди,

Эҳтиёт қилган эди,- мисраларида нима ҳақида гап кетаяпти?

6. Ойгул улардан қандай фойдаланди?

7. Бу, сизнингча, нимадан далолат беради?

8. Эслаб кўринг-чи, Сусамбил мамлақати, унинг ўта ободлиги ҳақида яна қайси эртақда ўқигансиз?

9. Сусамбил деган мамлақат борлигига ишонасизми ёки ҳар қандай озод ва обод юртни Сусамбил деб аташармикин?

10. Ойгул билан Бахтиёрнинг табиатига хос хусусиятларни сананг ва ўхшаш томонларини кўрсатинг, тарзида тақдим этилса, ўқувчиларда эртақ мазмунини чуқурроқ англаш имконияти туғилади. Бундан ташқари, бадий асарлар моҳиятига шу тариқа кириб борган ўқувчилар кейинчалик бадий

асарларни шунчаки ўқимайдилар. Ўқитувчи охириги топширикни уй вазифаси сифатида ҳам бериши мумкин .

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг бу каби савол-топширикларига синфдаги ҳамма ўқувчилар жавоб беришлари шарт эмас. Маълумки, Худо ҳар кимга ҳар хил қобилият ва имконият ато қилган. Билимларни ҳар бир ўқувчи ўз имконияти доирасида ўзлаштиради. Ўқувчидан имкониятидан ортиқча билимни талаб қилиш уни таълим олишидан бездириб қўйиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи саволларига жавоб беролган ўқувчиларни рағбатлантириши, бунинг уддасидан чиқолмаганларни эса зўрламагани маъқул. Улар бошқа – ўз имкониятлари доирасидаги топширикларни ва шу асосда баҳоланишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчи гуруҳ савол-топшириклар умумлаштирувчи хусусиятга эга. Улар асарнинг ижтимоий-тарихий, бадиий-тарбиявий моҳиятини очиш, ёзувчининг услуби, бадиий маҳорати, қирраларини аниқлашга йўналтирилиши билан муҳим илмий-методик аҳамият касб этади. Умумлаштирувчи савол ва топшириклардан бирор ёзувчи ижодининг бошқа ёзувчилар ижодидан фарқли жиҳатларини таққослаб ўрганишда, катта ҳажмли бадиий асарни ёки ёзувчи ижодини тўла ўрганиб бўлгандан кейин такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарсларида фойдаланиш мумкин.

Ҳар қандай дарснинг ўқувчилар учун жонли ва қизиқарли ўтиши кўп жиҳатдан уларга бериладиган савол ва топширикларнинг мазмуни ҳамда мақсадига боғлиқ. Ҳар бир мавзу ёки бадиий асар юзасидан бериладиган савол ва топшириклар ўқувчилар учун тушунарли, аниқ ва лўнда бўлини керак.

Савол ва топширикларнинг ҳаддан ташқари майдалаб юборилиши дарснинг зерикарли бўлишига олиб келади. Бундай ҳол ўқувчиларнинг асосий масала қолиб, иккинчи даражали масалалар билан шуғулланишига сабаб бўларди, уларни дарсда кўзда тутилган асосий мақсаддан чалғитади, мустақил фикрлашга йўл бермайди.

Шунингдек, савол ва топшириқларнинг анъанавий сўровномалар шаклида “Ҳа” ёки “Йўқ” тарзида жавоб беришга мўлжаллаб тузилиши ҳам методик жиҳатдан ўзини оқламайди.

Савол ва топшириқларнинг содда-мураккаблигидан қатъий назар, ўқитувчилар махсус тайёргарлик кўрадилар. Ўқитувчи ўзининг педогогик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда савол ва топшириқларни мазмунини ўрганишга киришишдан олдин, ўрганиш давомида ёки мавзу билан танишганидан сўнг бериш мумкин.

У ёки бу мавзунини ўрганиш жараёнида бериладиган савол ва топшириқлар кўпроқ диалогик характерда бўлгани, ўқувчиларнинг диққат-эътиборини асосий масалага қаратишга ёрдам беради, фаолликка ўргатади, узоқ вақт мулоҳаза юритишни тақозо қилмайди.

Мавзу билан танишгандан сўнг бериладиган савол ва топшириқлар ўқувчилардан мулоҳаза юритишни, ўз фикрини мантиқий изчиллик ва мисоллар билан далиллашни тақозо этади.

Бунинг учун ўқувчилар савол ва топшириқларда баён этилган муаммоларни пухта ўрганиб чиқишлари, матн билан танишиш жараёнида ўзлаштирган билимларини умумлаштиришлари, муайян тизимга солишлари лозим.

Назарий ва методик жиҳатдан тўғри қўйилган савол ва топшириқлар ўқувчиларда мавзунини ўзлаштириш орқали дунёқарашни шакллантиришга, ёзма ва оғзаки нутқни ривожлантиришга, уларнинг маънавий камолотини бойитишга хизмат қилади. 5-синфда ўрганилиши кўзда тутилган “Кичкина шаҳзода” эртак-қиссаси бўйича ўқитувчи томонидан тузилган савол-топшириқлар шу жиҳатдан талабга жавоб бериши мумкин.

Асар тўлиқ ўқиб бўлинганидан сўнг, кейинги дарсларда унинг матний таҳлилига киришилади. Гап ана шу таҳлилнинг қандай метод ва усуллардан фойдаланиб амалга оширилишида.

“Кичкина шаҳзода” эртак-қиссаси дунёдаги кўп тилларга таржима қилинган. Унда Антуан де Сент-Экзюперининг ниҳоятда нозик қалбли, хаёлот олами бой, соғлом мантиқ асосида яшайдиган ўзга сайёралик болакай

тимсолини яратган. Кичкина шахзода яхшини ёмондан, гўзални хунукдан фарқлай олмайдиган, фантазияси қотиб қолган катталар руҳиятини тушунмайди. Асарда ҳодисаларга тор манфаат юзасидан қараганлиги, бағри кенг бўлолмагани учун бир-бирини англамай, бир марта бериладиган ҳаётда маза қилиб яшаш ўрнига урушларни, қирғинларни ўйлаб топадиган катталар шахзоданинг киноявий назари билан тасвирланади. Ўқувчиларга асардаги мана шу ҳақиқатларнинг кашф этилишига кўмаклашиш керак. Бунинг учун ўқитувчига асар матни юзасидан тайёрланган савол-топшириқлар ёрдам беради. Дарсликда тақдим этилган савол-топшириқлар билан ўқувчилар асарнинг моҳиятига кира олмайдилар. Шунинг учун ўқитувчи асар матнидаги диққатга сазовор ўринларни савол ёки топшириққа айлантириб, ўқувчиларнинг эътиборини асарга қаратиши керак бўлади.

Асар таҳлилининг асосий қуроли бўлмиш савол-топшириқларнинг дастлабкиси “қисса қаҳрамони чизган расмга катталарнинг муносабати уларнинг жўғрофия, тарих, арифметика ва хуснихатни ўрганиш борасида берган маслаҳатлари ҳамда шу сабабли рассомчиликнинг порлоқ истиқболдан воз кечишга мажбур бўлгани”га ўз муносабатингизни билдириш!”-топшириғига жавоб бериш учун ўқувчилар мустақил мулоҳаза юритишлари керак бўлади. Аввало, жунгли ҳақида ҳаёл суриш учун у ҳақида бирор нарса билиш керак. Ўша саргузаштларни тасаввур қилиш керак. Кишининг ҳаёлот олами чегара билмайди. Ҳаёлда ақлга сиғмайдиган ишлар ҳам оппа-осон содир бўлаверади. Ҳикоячини расм чизишга ундаган нарса ҳам ундаги ҳаёл уфиқининг кенглиги бўлса ажабмас. Маслаҳат берган, узоқни кўра биладиган катталарнинг ҳақ экани кўриниб турган бўлса-да, улар нафақат асар қаҳрамонига, балки шу дарсда ўтирганларга ҳам ёқмаслиги мумкин. Лекин барибир, катталар ҳақ эканини ўқувчилар ичдан туйиб турадилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларидан буни илғаши мумкин. Лекин катталарнинг “ақллилиги” билан шаклланиб келаётган истеъдод йўққа чиқариладими? Катталар бу билан ҳисоблашишлари мумкинми? Ўқувчилар шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўрсинлар.

Муаллифнинг болаликда чизган дастлабки сурати ҳақида катталрнинг “Шляпанинг нимаси кўрқинчли экан?” шаклида муносабат билдиришлари сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Бу борада ўзингизнинг дастлабки “суратчи” лигингизга таянинг, топшириқлари ўқувчиларни ўз атрофидаги катталарга асар қахрамони назари билан қарашга ундайди. Масалага чуқурроқ ёндашишга қодир ўқувчилар ўз ҳаётидаги ҳар хил вазиятларга, воқеаларга катталарнинг муносабатини билдириб, уни ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳолайди. Балки бу ҳақда ўртоқларига сўзлаб ҳам берар. Ўқитувчи Ушбу вазиятни, гарчи асосий ишдан бир оз чалғилса-да, қўлдан чиқармаслиги керак. Ҳикоячининг: “Ахир, катталарга ҳамма нарсани доим тушунтириб бериш керак-да”,-деган таъкидига қандай муносабат билдирасиз? Сиз ҳам шундай деб ўйлайсизми? – саволи ўқувчиларни бир оз ўйлантириши табиий, кўпинча бизнинг болалар назарида катталар ҳамиша ҳақ ва улар ҳамма нарсани биладилар. Экзюперининг қахрамони эса катталарни танқид остига оляпти, энди ўқувчиларда икки хил қараш пайдо бўлди. Улар ўзлиги ва ҳикоя қахрамонини қиёслаши, таққослаши мумкин. Айримлар қай бири тўғри эканини ажратолмай, мавҳум бир ҳолатда таҳлилда иштирок этаверади. Лекин бу иккиланиш ҳам уларнинг шахсиятига ўз таъсирини кўрсатиши тайин.

“Қахрамоннинг : “Катталар ҳеч қачон ўзларича Бирон нарсани тушуна олмайдилар, уларга ҳа деб ҳижжалаб тушунтириб беравериш эса охир-оқибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади”, - деган фикрини қандай тушундингиз? Аслида, ҳазиломуз йўсиндаги бу фикрда ҳам асар қахрамони ҳақ. Болалар ўзларининг ҳар бир қилган ножўя ишлари учун катталарга ҳисоб бераверидан чарчаганларини эслаб, асар қахрамонини яхши кўриб қолишлари ҳам мумкин. Ва бу, эҳтимол, яхшидир. Чунки ўқувчилар ва адабий қахрамон бир-бирларини тушуниб боришяпти.

Ўқувчининг мустақил мулоҳаза юритишга ундайдиган навбатдаги топшири, яъни ҳикоячининг “Катталар орасида узоқ вақт яшадим, уларни яқиндан кўрдим, билдим. Ва бундан, тан олишим керакки, улар ҳақидаги фикрим яхши томонга ўзгармади,” – деган хулосасига эътибор қилинг.

“Асарда катталар ва болаларнинг бу тарзда қарама-қарши қўйилаётганлиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг”, - топшириғи ўқувчиларни анча ўйлантиради. Аввало, “кичкина рассом”нинг катталар ҳақидаги фикри қанақа эканини болалар бир эсга олинглар. Сўнг қаҳрамоннинг иккала ҳолатдаги муносабатларига, қарама-қаршилиқнинг сабабига эътибор қаратилади. Шаҳзоданинг назарида катталар болаларни тушунмайдилар, катталарнинг ўз белгилаб олган йўллари бор ва болалар хоҳлайдиларми-йўқми, бундан қатъи назар, шу йўлдан боришларини талаб қиладилар. Улар ҳаётий тажрибалари, билими ва ақли борасида болага нисбатан узоқроққа қарайдилар, кичикларнинг феъл-атвори, қизиқишлари, интеллектуал имкониятларини ҳамиша ҳам ҳисобга олиб ўтирмай, мантиқан келиб чиқиб, ўз талабларини қўядилар. Ҳолбуки, болакайлар – ҳаёлот кишилари. Орадаги қарама-қаршилиқнинг сабаби ҳам шунда.

Юқоридаги: “Мен шу тариқа ёлғизликда яшардим, дилимни англайдиган бирор ҳамдардим йўқ эди...” – шаклидаги андуҳли хулоса ҳақида ўйлаб кўринг. Ҳикоячининг ёлғизлиги сабаби нимада деб ўйлайсиз? – деган савол-топшириқ устида ишлаш учун ҳам ўқувчилар ўйлашга мажбур бўлишади. Катталардек мулоҳаза юритадиган “кичкина” қарашларини ўзидай қабул қиладиган ҳамдард йўқлиги туфайли ўзини ёлғиз деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам, кишининг атрофида ҳамфикр, дилдошодамлар бўлмаса, у ўзини ёлғиз сезади. Унинг бу ҳолатини вазиятидан келиб чиқиб, каттаоар ҳам, кичиклар ҳам тушуниши, унинг андуҳли хулосасига қўшилиши мумкин.

“Кичик шаҳзоданинг ҳикоячидан айнан қўзичоқ чизиб беришни сўраганлиги сабаби ҳақида мулоҳаза юритинг. Сизнингча, қўзичоқда қандай рамзий маъно бор?” саволига жавоб бериш учун ўқувчилар матнга мурожаат қиладилар. Кичик шаҳзоданинг илтимоси сабаби ва қўзичоқдаги рамзий маъно шаҳзода ва ҳикоячи ўртасидаги суҳбатда англашилиши зарур. Агар ўқувчилар буни илғай олмасалар, ўқитувчи шу топшириқни уй вазифаси сифатида бериши мумкин. Улар ўйлашда давом этсинлар.

“Шаҳзоданинг бўғма илон ва фил суратини кўриб: Йўқ, Йўқ! Менга илон ҳам, фил ҳам керак эмас! Илон ҳаддан ташқари хавфли, фил эса ҳаддан

ташқари катта,” – дея муносабат билдиргани ҳақида нима дея оласиз? Болалар бир-бирини деярли хамиша тушунадилар. Шаҳзоданинг расмда ифодалаган тасвирни дарҳол англагани ҳам, унга муносабат билдиргани ҳам шундан. Ўқувчилар шуни билишлари керак. Улар бундай мулоҳаза юритишга балки, хозирча кодир эмасдирлар, лекин уларни шунга йўналтиради. Шу ўринда ўқувчиларнинг диққати шаҳзоданинг ҳикоячи чизган суратларга билдирган эътирозларига боланинг диққати тортилиши керак.

“У расмни синчиклаб кўздан кечиргач:

–Йўк, бу кўзичоқ жудаям ориқ-ку, - деди .

– Бошқасини чизиб бер.

Мен бошқа кўзичоқ расмини чиздим.

Янги дўстим хушфеъллик билан мулойим жилмайиб қўйди.

– Бу кўзичоқ эмас-ку, - деди у. –Ўзинг ҳам кўриб турибсан-а, Қўчқор-ку бу.

Анна шохи ҳам бор...

Мен кўзичоқни тагин бошқатдан чиздим. Бироқ, бу расм ҳам унга маъқул бўлмади.

– Э, бунинг ўлгудай қари-ку. Менга узоқ яшайдиган кўзичоқ керак.”

Ўқувчилар шу ўринда чизилган расмни бунчалик осон тушуниб, тез таҳлил қила оладиган кичик шаҳзода билан расмларни шляпа деган катталарни таққослашлари керак. Улар бунинг сабаблари ҳақида ўйласинлар. Балки катталар катта бўлгани учун тушунмагандир? Балки катталар билан боланинг ёши орасидаги масофа жуда узоқдир? Балки катталар ҳаёт ташвишлари ва муаммолари билан бўлиб, болалардан жуда ҳам узоққа кетиб қолишгандир? Ўқувчиларнинг мулоҳазалари шу йўсинда кечса, йўналиш тўғри белгиланган бўлади.

Кўзичоқни кундузлари боғлаб қўйиш учун арқон бермоқчи эканини эшитиб: “кичкина шаҳзоданинг қошлари чимирилганлиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Боғлаб қўясан? Нима кераги бор бунинг?”, - деган саволларига таяниб, шаҳзоданинг “қандай бола экани ҳақида фикр билдиринг, топшириғи ҳам ўқувчиларни анчагина ўйлантиради. Ўқувчиларнинг эътиборини ерликларнинг

назари билан ўзга сайёраликлар кўз қараши орасидаги тафовутда, уларнинг ҳар бири ўз шароит ва имкониятларига қараб иш тутаётганига ҳар тортиш керак. Шундай нарсалар бўладики, улар билан ҳамма катталар ҳам, болалар ҳам ҳисоблашиши керак. Эҳтимол, кичкина шахзода ўз сайёраси жуда кичик бўлгани учун шундай деяётгандир. Балки кўзичоқнинг озодлигига дахл қилмаслик учундир. Буни ўқувчилар ўзлари аниқлаганлари ва фикрларини асослаганлари маъқул.

1909-йилда янги сайёрани кашф қилган олим ҳақидаги: “Ўшанда астроном ажойиб кашфиёти ҳақида халқаро астрономия конгрессида маъруза қилган, аммо унинг гапига бирор кимса ишонмаган, чунки у туркча кийинган эди” тарзидаги изоҳ ҳақида ўйлаб кўринг. Гап тил ҳақида эмас, кийим тўғрисида эканига эътибор қилинг”, “Ўша астроном 1920-йили кашфиёти ҳақида тагин маъруза қилди. Бу сафар у энг сўнгги модада кийинган эди – ҳамма унинг гапини маъқуллади” каби хулосасини юқоридагиси билан солиштиринг. Катталар қароридаги мантиқ ҳақида ўйлаб кўринг”- топшириқларида ҳам шахзоданинг катталар ҳақидаги тасавури намоён бўлади. Бу масалага ўқувчилар ўзларининг жажжигина ҳаётий тажрибаларига асосланиб жавоб беришга ундасалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Асардаги: “Ана шунақа ғалати халқ бу катталр. Улар хафа бўлиб ўтиришга арзимаиди. Болалар катталарга нисбатан кенгфёъл ва кечиримли бўлишлари лозим”, - деган хулосага муносабат билдиринг” – топшириғидаги талабни ўқувчилар ҳам борича қабул қилганлари маъқул. Болалиқдан кенгфёълликни, кечиримлиликни ўз табиатларига сингдиришни эплай олсалар, биздан кейинги авлод биздан яхшироқ бўлишига кафолат бериш мумкин.

Асардаги: “дунёда дўстларни унитиб юборишлан ҳам қайғулироқ нарса йўқ”, - деган хулосага муносабатингизни билдиринг”, “ҳикоячининг: “... афсуски, мен қутича деворлари аро кўзичоқни кўришга қодир эмасман. Балки мен катталарга озроқ ўхшаб кетарман” тарзидаги андуҳи сабаби тўғрисида ўйлаб кўринг” топшириқларига жавоб беришда ҳам асар матнига таяниш керак.

Фалсафий мушоҳада қилишни талаб қиладиган бундай топшириқлар ўқувчи дунёқарашини қашшоқ бўлиб қолишдан асрайди, “ўқувчи тафаккурини

зўриқтирадиган бўлса, катта методи аҳамият касб этади.”¹ (13, 150-бет) Лекин 5-синф ўқувчиларига мўлжалланган савол ёки топшириқлар юқоридаги каби мураккаб тарзда берилиши баъзи ўқувчиларда кутилаётган натижани йўққа чиқариши, уларни мавҳумот олдига келтириши мумкин. “Топшириқлардан мақсад ўқувчиларни қийнаш эмас, балки уларнинг бадий матнни имкон қадар чуқурроқ идрок этишларига шароит яратиб беришдир”.² (13, 62-бет) Мураккаб савол-топшириқлар ўқувчини ўқитувчи кўмагига қарам қилиб қўйиши мумкин. Бу ҳолда ўқувчида ўзига ишонмаслик, дангасалик иллатлари пайдо бўлади. Тўғри, ўсмир ўз кузатишларида нарса ва ходисаларнинг фаҳмига етишда катталарнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Агар улар ана шу ёрдамдан маҳрум бўлсалар, нарса ва ходисалар ҳақидаги тасаввурлари бир томонлама бўлиб қолиши мумкин. Гап шундаки, ўқувчига керакли ёрдам ўқитувчи томонидан эмас, дарслик томонидан берилиши кутилаётган натижани самарали қилади. Чунки ўқувчи топшириқни муаллим буйруғини бажариш учун эмас, балки ўз кучига ишонган ҳолда бажаради.

Ўқитувчи ўқувчиларга уй вазифаси сифатида ўз тасаввурларидаги шахзодани, ҳикоячи ва унинг чизган суратларини чизишни топшириши мумкин. Ёки ўқувчилардан чизилган суратларга шарҳ беришни талаб қилиш ҳам мумкин. Ҳар иккала топшириқнинг натижаси ижод маҳсули ҳисобланади. Ижод эса мустақил фикр натижаси. Ўқитувчи уни муносиб баҳолай билиши керак бўлади.

Ўқитувчи дарсда савол ва топшириқларнинг қайси турини қўлламасин, диққат марказида адабиёт предметининг вазифалари ва ўзига хос хусусиятларини тутиш лозим.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, савол-топшириқлар қуйидаги талаблар асосида тузилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўқувчиларни мустақил ва атрофлича фикр-мулоҳаза юритишга йўналтирилиши;
- уларнинг билим савияси ва ҳаётий тажрибасига мос бўлиши;
- ўқувчиларнинг илмий дунёқараши ва ахлоқий тушунчаларини шакллантиришга хизмат қилиши;
- уларнинг бадий-эстетик тафаккурини юксалтиришга ёрдам бериши;

– нутқини бойитиши.

Аммо кўп дарсликларнинг муаллифлари савол ва топшириқлар тузишда мутаносибликка ҳамиша ҳам қатъий амал қилмаганлар. Бу ҳолни адабий эртаклар юзасидан тузилган савол-топшириқларда умумийлик, бир хилликка йўл қўйилган : “Булбул” эртагининг қисқача мазмунини баён қилинг. Ундаги қаҳрамонларни тавсифланг. “Умр ҳақида эртак” асарининг мазмунини сўзлаб беринг. Сайёҳ чол нима мақсадда дунё кезади? У ўз излаган нарсасини топадими?

Шунингдек, дарсликда “савол, топшириқлар муаллифларнинг ўқувчи оғирини енгил қилишни ўйлаб қилган “меҳрибонлик”лари туфайли фактологик характер касб этиб қолмоқда”.¹ (37, 20-бет) Хусусан, дарсликда М.Шайхзоданинг “Искандар Зулқарнайн” эртак-достони бўйича 7та савол ва топшириқлар берилган бўлиб, шулардан аксарияти фактологик характерда ёки саволларнинг жавоблари дарсликда мавжуддир: 1.“М.Шайхзоданинг таржимайи ҳолини гапириб беринг”, 2. “Шоирнинг қандай дoston ва шеърий тўпламларини биласиз?”, 3.“М.Шайхзоданинг драматик асарларидаги тарихий воқеалар ва тарихий шахслар ҳақида сўзлаб беринг”, 4. “Ўзбек адибларидан яна кимларнинг шеърий эртак-достонлари сизга таниш?”, 5. “Шарқ мумтоз адабиётида Искандар сиймосига қайси шоирлар мурожаат қилишган?”, 6. “Нега Искандар Румийни Искандар Зулқарнайн деб аташади?” Юқорида айтганимиздек, мазкур саволларнинг жавобларини дарсликдан топиш мумкин. Ўқувчи биринчи саволни ўқийди, адиб ҳақида берилган матнда жавоб тайёр, иккинчи саволга кейинги сатр бошини ўқиши кифоя ва ҳоказо. Яна ўша ҳолат: бош қотиришнинг ҳожати йўқ, болалар тушунса, тушунмаса айтиб бера олишади. Бундай ҳолатни дарсликдаги бошқа адабий эртаклар юзасидан тузилган савол-топшириқларда ҳам кўриш мумкин.

Бундай “яхшигина тузилган савол ва топшириқлар “тайёр ош пишириб бериш”га ҳаракат натижасида ўқувчиларни фикр боқимандаларига айлантирувчи воситага айланиб қолган”.² (37, 33-бет)

Бошқа воситаларга караганда дарслик энг қизик ёки тушуниши қийин бўлган ўринларга қайтиш ва уларни кейинчалик мукамал ўйлаб кўриш имконини бериши билан устунликка эга. Ўқувчининг доимий ҳамроҳи, уйда, мактабда хоҳлаган вақтда фойдаланиши мумкин бўлган дарслик ўқувчида яхши хулқ таркиб топишида дастлаб ўзига жалб эта оладиган, қизиктирадиган, ўйлантирадиган, ўтиш даври ёшидагиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган бўлиши лозимдир.

Дарслик муаллифлари савол ва топшириқлар тузар эканлар, ўқувчини зўр бериб ишлатиш учун эмас, балки унинг ўз ижодий қиёфасини намоён этишга шароит яратиб беришни кўзлаши керак. Зеро, саволга жавоб берувчи, жавобга олиб борувчи йўлни ўзи топиши, асар юзасидан ўйланиши, фикр юритиши ва уни асосли ифодалаб, ҳимоя қилиши муҳимдир.

Хуллас, савол ва топшириқлар ёрдамида бадиий асар ўзининг чуқур мазмунини, гўзал бадииятини намоён қилади, ўқувчи онгининг қайсидир нуқтасига жойлашиб, хислатларининг жилоланишига ёрдам беради. У асар қаҳрамонларини, мураккаб Инсонни тушуниб боради. “Агар ўқисанг-у, ўйламанг – чалкашиб кетасан ...”, савол ва топшириқларнинг пухта қўйилиши адабий таълимнинг муваффақиятини белгилайдиган мезонни, ўқувчиларнинг бадиий асар устида кўп ишлашини таъминлайди. Ўқувчиларда қаҳрамонларнинг феъл-атворидаги ижобий ва салбий жиҳатларни таҳлил этиш орқали уларни маънавий камолотга йўналтирувчи тарбиявий мақсадни амалга ошириш имконини беради.

2.3-фасл. Адабий эртак дарсларига замонавий ёндашув ва ноанъанавий дарсларни ташкил этиш.

Бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, таълим мазмунини такомиллаштиришга оид меъёрий хужжатлар таълимни ҳаёт билан боғлашни, ўқитиш самарадорлигини оширишни, тез тараққий этиб бораётган жамият учун ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни талаб қилади.

Бу ўринда адабий таълим жараёнига замонавий ёндашув, янги педагогик технологияларнинг кириб келиши ва қўлланилиши давр талаби билан бевосита боғлиқдир.

Янги педагогик технология таълимнинг маълум мақсадга йўналтирилган шакли, усули ва воситаларининг маҳсулидир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда адабиёт ўқитувчиси дарс жараёнида фақат ўзи ишлайди, ўқувчилар эса кузатувчи, тингловчи бўлиб қолаверадилар. Таълимнинг бундай анъанавий кўриниши ўқувчиларнинг ақлий тафаккурини ўстирмайди, фаоллигини оширмайди, таълим жараёнидаги ижодий фаолиятини сўндиради. Буни қуйидаги жадвал асосида ҳам муфассал ўрганиш мумкин.

Таққосланадиган жиҳатлар	Анъанавий таълим	Замонавий ёндошув асосидаги таълим жараёни
Педагогик муносабатлар тури	Субъект-объект	Субъект-субъект
Педагогик муносабатлар тамойили	авторитар	Инсонпарварлаштирилган ва демократияга асосланган ўзаро ҳамкорлик
Дарснинг мақсади	Билимларни ўзлаштириш, қўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ўқув материални тушунтириш	Шахснинг қизиқиши, мотивини ривожлантириш, ақлий, маънавий, ахлоқий, руҳий ва жисмоний баркамоллигини таъминлаш
Дарснинг мазмуни	Дастур талаблари, дарсликдаги ўқув материаллари	Билиш усулларини эгаллаш, атроф-муҳитдаги, жамият ривожига, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга молик ўзгаришларни англаш, шахсни ривожлантиришга имкон берадиган ўқув ва қўшимча материаллар
Таълимнинг ҳақатлантирувчи кучи	Буйруқ, таъкидлаш, жазолаш, баҳо ва бошқалар асосида шахсни камситиш ёки рағбатлантириш	Билиш қувончи, ўзидаги ижобий ўзгаришларни ҳис қилиш, ўзига ва ўз билимига ишончнинг пайдо бўлиши, ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш, ўзаро ҳамжиғатликка асослаган қулай ижтимоий-психологик муҳит.
Дарсда фаолият усули	Тушунтириш, такрорлаш, машқ қилиш, ёдлаш, намунага мувофиқ амалий иш бажариш	Ўқув топшириқларни ҳамкорликда бажариш, муаммоли суҳбат, ақлий ҳужум, мунозара, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида инсонпарварлик муносабатларининг шаклланиши.

Дарсни ташкил этиш	Уй вазифасини сўраш, янги билимларни ўрганиш, умумлаштириш, такрорлаш, баҳолаш.	муаммоли саволларга жавоб топиш, аввал ўзлаштирган билимларни янги ва кутилмаган вазиятларда қўллаш, индивидуал ва гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш.
Ўқитувчининг роли	Билим ва ахборот манбаи, ўқувчи тақдирига жавобгар – якка ҳоким	Ҳамкор, дўст, маслаҳатчи, муаммони ҳал қилишда билимларни эгаллаш усулларини ўргатувчи ғамхўр, устоз.
Ўқитувчининг вазифаси	Билимларни ўзлаштиришнинг энг осон шаклида баён этиш.	Ўқув ва амалий вазифаларни ҳал этишда ўқувчиларнинг фаол иштироки ва ўқув-билиш фаолиятини ташкил эти шва бошқариш.
Ўқувчининг вазифаси	Ахборотни қабул қилиш, ёдлаш, ахборотни қайта ишламаган ҳолда берилган саволларга шу шаклда жавоб бериш кутилган баҳони кутиш.	Ўқув топшириқлари ва муаммони ҳал этишнинг индивидуал, гуруҳли изланишларда иштирок этиш, доимо ўз билимини ривожлантириш, иқтидорини намоён этиш
Таълимнинг якуний натижаси	ДТС ва дастур талаблари, билим, кўникма ва малакаларни шаклланишига эришиш.	Ўқувчиларнинг ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний, руҳий баркамоллигига эришиш, билимларни эгаллаш усуллари, ўзлаштирган билимларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашга ўргатиш, ўз устида ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш.

Адабий таълимга замонавий ёндашувнинг асосий мақсади эса ўқитиш тизимида ўқувчини дарс жараёнининг марказига олиб чиқиш, ўқувчиларни ўқув материалларини шунчаки ёд олишларидан, автоматик тарзда такрорлашларидан узоқлаштириб, мустақил ва ижодий фаолиятини ривожлантириш, дарснинг фаол иштирокчисига айлантиришдир. Шундагина ўқувчилар муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммолар, ўтиладиган мавзуларнинг

амалиётга татбиқи бўйича ўз фикрига эга бўлади, ўз нуқтаи назарини асослаб бера олади.

Чунки адабий таълим ва баркамол шахс тарбияси бир-бири билан узвий боғлиқ жараёндир. Мазкур жараёнда мантикий фикрлаш, тасаввур қилиш, билиш фаолиятини ривожлантириш каби жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга. Адабий таълим орқали ўқувчиларда шахсий дунёқараш ва эътиқод шаклланади. Бадиият ва фан қонуниятларини англаш, адабий таълимда белгиланган билим кўникма ва малакаларни эгаллаш, фаолият йўналишидаги қийинчиликларни енгиш, яқка тартибда, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш каби методлар жараёнида ўқувчи шахс сифатида шаклланиб боради.

Адабий таълимда ўқитувчи интерфаол методлардан мавзуга мувофиқини танлай билиши муҳим ҳисобланади, тажрибалар эртаклар ўрганиладиган дарсларни саҳналаштирилган ҳолда ташкил этиш кутилган натижа беришини кўрсатмоқда. Фаол эртак қаҳрамонларини саҳнада акс эттиришга лаёқатли ўқувчилар билан ўтказилган алоҳида машғулотлар орқали эртак саҳналаштирилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, дарсликка киритилган баъзи адабий эртаклар асосида мультфилмлар ишланганлиги, бу ҳолат дарс жараёнида мураккабликларни келтириб чиқараётганлигини таъкидлаб ўтгандик. Бундай муаммони ҳал этишда ўқитувчи ижодкорлигини ишга солиши, экранда намоиш этилмаган, фақат адабий асарда мавжуд ўринларни ёки ўқувчиларни фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайдиган, уларда ижобий фазилатларни шаклланишида катта аҳамиятга эга тасвирларни саҳналаштириши яхши самара беради.

Саҳналаштирилган ролли дарсларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш кўпроқ вақт ва тайёргарликни талаб этади. Мазкур дарсга тайёргарлик ишлари синфнинг бошқа ўқувчиларидан сир тутилмоғи мақсадга мувофиқдир. Чунки репетиция машқларининг синф ўқувчилари ичида олиб борилиши эртак ўрганиши режалаштирилган дарснинг улар учун зерикарли ва қизиқарсиз кечишига сабаб бўлиши мумкин. Ўқувчилар кўзидан сир тутилган саҳналаштирилган эртак дарси талаб даражасида тайёрланса, бу дарс улар

учун хақиқий мўъжиза ва фақулудда кашфиёт саналишини тажрибалар исботлайди. Чунки эртак воқеалари болаларнинг кўз олдида жонли ҳолда рўй беради. Тасаввур кузатув билан уйғунлашади.

Саҳналаштирилган ролли дарсларни ташкил этишда ўқувчилар олдида аниқ вазифалар қўйилади, уларнинг ўқув фаолияти ўйин қоидасига батамом бўйсундирилади. Умумий ҳолда роли ўйин дарслари саҳналаштирилган муаммони ечишга қаратилган ҳаётий вазиятни ўқувчилар томонидан саҳналаштириш орқали ҳал этилади.

Бундай дарслар таълим бериш билан бирга, ўқувчиларнинг ижодий фаолияти, уларнинг ўзаро нутқ маданиятини ривожлантиради, мантиқий фикрлаш ҳамда билимлардан хулоса чиқаришга ўргатади.

Саҳналаштирилган дарсларни ташкил этишда ўқитувчи саҳна иштирокчиларига мавзунини ва мавзу бўйича тузилган топшириқларни таклиф этади. Иштирокчилар ўз ролларини танлаб олишади. Ўз ролига мувофиқ умумий муаммони ечишда гуруҳ билан маслаҳатлашган ҳолда қатнашади.

Роли ўйинларда бир-бирини инкор этувчи вазиятлар пайдо бўлиши мумкин. Ҳар бир иштирокчи бу вазиятдан чиқиш учун мантиқан тўғри йўлни танлаши зарур. Ўқувчиларнинг билим ва маҳоратларини баҳолашда уларнинг ташкилий фаолияти ва муаммони ечишда мақсаднинг бажарилишидаги фаолияти ҳисобга олинади.

Саҳналаштирилган ролли ўйин дарснинг технологик харитаси

Технологик босқич	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
1-босқич тайёргарлик	Мавзунини танлаш, ролларни бўлиб бериш, ўқувчиларга маслаҳат бериш	Мавзу бўйича ўз ролини танлаш, зарур адабиётларни ўрганиш

2-босқич ташкилий	Дарснинг мақсади, умумий вазият, муаммо ҳамда уни ечишни тушунтириш	Дарснинг мақсади, вазиятни ва умумий муаммоларни тушуниб олиш
3-босқич иштирокчилар мунозараси	Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаб бориш	Ўз роли бўйича фаолиятини конфликтли вазиятларни ҳамда мавзу бўйича муаммони ечишга йўналтириш
4-босқич дарсни яқунлаш	Дарсни яқунлаш: ўқувчилар фаолиятини баҳолаш, уйга вазифа бериш	Ўқувчи хулосасини эшитиш, уйга вазифа олиш

Саҳна қисмидан кейин бир неча ўқувчиларнинг эртак ҳақидаги фикр-мулоҳазалари эшитилади. Албатта, бунда уй иши сифатида эртак мазмунини оила аъзоларига сўзлаб бериш топшириғи берилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, педагогик технологиялар дарсларда ўқувчини мустақил фикрлашига доир топшириқлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, “Агар муаллифи ўрнида бўлсам...”, “Мен ... эртак қаҳрамони бўлиб қолсам...”, “Асар қаҳрамонлари тақдирини ўзгартиришга қодир бўлсам ”, “Менинг севимли эртагим” мавзусида оғзаки ва ёзма матнлар тузиш, баҳс ва мунозаралар уюштириш кабилар шу топшириқлар сирасидандир.

Мана шундай “Интерфаол методлардан фойдаланиш ўқув машғулотларини қизиқарли қилади.”¹ Лекин таълим жараёни учун қизиқарлиликнинг ўз мақсади бўлмайди. У восита, холос. Интерфаол усуллар барча илғор методлар каби камроқ куч ва ресурс сарфлаб, каттароқ дидактик натижага эришишга қаратилади.

Интерфаол методлар орасида энг кўп қўлланиладиган ва катта самара бериши мумкин бўлгани фикрий ҳужум усулидир. Бу усул бирор синф ёки ўқувчилар жамоаси олдида қўйилган муаммони ечишнинг энг самарали ва демократик йўлидир. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозир фикрий ҳужум усулидан

фойдаланиш амалиётида ўқитувчилар ўтган мавзулар юзасидан ўқувчиларга турли-туман саволлар билан хужум қилишлари кенг тарқалган. Ҳолбуки, фикрий хужумнинг бутун моҳияти ўқувчиларнинг ўзлари янги мавзунини ўзлаштириши ёки қўйилган бирор дидактик муаммони ҳал этиши учун фикрларини зўриқтириб, тинимсиз “хужум” қилиш ва шундай қизғин ва қизиқ фаолият натижасида ўқув топшириғини бажаришларидадир. Бу усулнинг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, унда кичик гуруҳлардаги ўқувчилар – ўзаро биргаликда ишлашга, яхши ёки ёмон ўқишидан қатъи назар ҳар бир боланинг фикрини эшитишга ўрганишади. Гуруҳ аъзоларига бир хил баҳо қўйилиши эса болаларда жамоатчилик руҳини шакллантиради.

Фикрий хужумда ўқитувчи бошқарувчи эмас, балки ёрдам берувчи сифатида иш кўради. У ўқувчилар фаолиятини муаммога йўналтириб туради, уларнинг асосий мақсаддан чалғиб кетмасликларини таъминлайди. Фикрий хужум методини қўллаш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши кўпроқ самара бериши мумкин:

1. Тайёргарлик. Фикрий хужум усулида ўтиладиган дарс бошланганга қадар унда ечилиши керак бўлган муаммо ёки бажарилиши зарур бўлган топшириқдан ўқувчилар хабардор қилинишлари лозим. Болалар бу муаммо ёки вазифа тўғрисида муайян вақт давомида бош қотиришлари, ўйлаб кўришлари керак. Шунингдек, синфдаги ўқувчилар муайян кичик гуруҳларга бўлиниб, гуруҳдаги ҳар бир бола аниқ вазифа билан таъминланиши зарур. Чунончи, Ким гуруҳга етакчи бўлиши, кимлар айтилган фикрларни ёзиб олиши, кимлар ҳакамлар сафида бўлиши белгилаб қўйилиши лозим.
2. Далиллар топиш. Дарсда ўқувчилар ҳал этишлари лозим бўлган муаммо аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Берилаётган топшириқ хаттахтага ёзиб қўйилиб, ўқувчилар билан муҳокама қилиниши лозим. Муаммо юзасидан ўқувчиларнинг дастлабки фикрлари эшитиб кўрилса, мақсадга мувофиқ бўлади.
3. Дастлабки машқ. Фикрий хужум ёрдамида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони ечишга ўқувчиларни руҳан ва ақлан тайёрлаш учун дастлабки

машқ ўтказиш фойдалидир. У қўйилаётган муаммога бевосита тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўқувчиларда фикрий ҳужум усули қандай бўлиши ҳақида тасаввур уйғотиш учун ҳам дастлабки машқни ўтказиш зарурдир.

4. Фикрларни ҳисобга олиш. Бу босқич ечилиши керак бўлган муаммо юзасидан ўқувчиларнинг фикрий ҳужуми билан бошланади. Истаган ўқувчи, истаган фикрини, истаган вақтда айтиши мумкин. Айтилган ҳар бир фикр котиблар томонидан ёзиб олиниши зарур. Ўқувчилар ҳар қандай тўғри-нотўғри, яхши-ёмон фикрларни билдиришдан чўчимасликлари учун қуйидаги қоидалар хаттахтага ёзиб қўйилиб, уларга ҳаммининг сўзсиз амал қилиши таъминланиши керак:

— Айтилаётган фикрлар қандайлигидан қатъи назар танқид қилмаслик, баҳоламаслик, муносабат билдирмаслик;

— Фикрий ҳужумда нотўғри фикр бўлмайди. Эсга келган ҳар қандай фикр ўйлаб ўтирмай, айтилиши керак. Баъзан айнан бўлмағур, “ахлоқона”, ақлга тўғри келмайдиган фикрлар фойдали ғояларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин;

— Фикрларнинг миқдори муҳим. Ўқувчилар имкон қадар кўп фикр билдиришлари керак. Чунки ортиқча фикрларни қисқартириш етмай қолган фикрларни кўпайтиришдан осонроқ;

— Фикрларни алмаштириш, қўшиш, яхшилаш лозим. Ҳаммининг фикри ёзиб олиниб, улар мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштирилиши, таҳрир қилиниши, таҳлил этилиши керак;

— Бемалол бўлиш, завқланиш керак. Фикрий ҳужум кечимида ўқувчилар асабийлашмасликлари, жараён завқли ўйин руҳиди ўтиши керак. Фикрий ҳужум қанча қизиқарли бўлса, шунча кўп самара келтиради;

5. Ечимни топиш. Ўқувчилар фикрий ҳужумга киришганларидан кейин белгиланган вақт ўтгач, ўқитувчи ҳужумни тўхтатиб, муаммони ечишга ўтиш кераклигини эсга солади. Бу вақтда гуруҳлардаги котиблар барча фикрларни ёзиб олган, ўқувчилар бу фикрларнинг қайсилари яроқли экани тўғрисида ўйлай бошлаган бўлади. Ўқувчилар ўзаро маслаҳатлашиб,

айтилган фикрларни муҳокама қилиб, кераксизларини ўчириб, яроқли фикрлар миқдорини қисқартириб боради. Охирида бир неча жуда муҳим қарашларгина қолади. Гуруҳ ана шуларга таяниб, таълимий масаланинг ечилиши бўйича ўз хулосасини беради.

Хуллас, адабий эртак дарсларида турли хил ноанъанавий методлардан фойдаланиш мумкин бўлиб, улар ўқувчиларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда касбий фазилатларини тарбиялашда ёрдам беради. Тавсия этилаётган методлардан ҳар бир ўқитувчи ижодий фойдаланган ҳолда ўз дарс ишланмаларини яратишлари мумкин.

Хулоса

Ўзликни тадқиқ ва намоён этувчи ёрқин воситалардан бири –миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон оинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур!¹ (6, 23-бет) Инсоннинг борлигини гўзаллик ўлчовлари асосида идрок этиб, том маънодаги одамийлик сийратини касб этишида сўз санъатининг айрича ўрни ва аҳамияти бор. Адабиёт лаҳзаларда кашф этилган гўзаллик сирларини мангуликка муҳрловчи, ақл ва туйғу уйғунлашмаси ила тафаккур ва кўнгил уфқларини кенгайтирувчи, аждодларнинг ахлоқий қарашлари, тажрибаларини авлодлар ҳаёти, яшаш тарзида давом этиши ва янгилашини таъминловчи, инсоннинг ўз ботинини кашф этишига туртки бериб, ҳақиқат манзиллари томон етакловчи бир маёқдир. Адабиёт дарслари ана шу жараённи онгли тарзда муайян мақсадга йўналтиради, тарбияланувчиларида юксак бадиий дидни шакллантиради. Сара асарларни пуч мағизли китоблардан фарқлашни ўргатади, фалсафий қарашларга бой асарларни тушуниш, улар асосида мушоҳада юритиш малакасини ҳосил қилади. Шундагина бадиий адабиёт киши ҳаётининг ажралмас бўлаги, кунлик ҳаётининг мазмунига айланиб қолади. Республикамизда маданий, адабий меросни халқимизга, хусусан, ёш авлод онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам шундан.² (4, 35-бет)

Таълим бўғинларида Адабиёт предмети ҳар босқич мақсади, мазмуни, соҳасига кўра турли шакл ва ҳажмда ўқитилади. Лекин уларнинг барчаси ягона мақсадга – баркамол шахс тарбиясига йўналтирилгандир. Адабий таълимда адабий эртакларни ўқитишга салмоқли ўрин ажратилмаган бўлса-да, умумий ўрта таълимнинг 5-6-синфларида ўрганиш кўзда тутилган. Лекин умумий ўрта мактабларда ушбу асарларни ўқиш осон кечмаётгани бу борада кўп муаммолар борлиги маълум эди. Амалиётдаги кучли эҳтиёж бу борадаги методик

йўриқларга бўлган талаблардан келиб чиқиб, адабий эртақларни ўрта мактабларда ўқитилишига бағишланган ушбу тадқиқотни олиб бордик. Тадқиқотимиз давомида олиб борилган кузатишлар танишиб чиқилган назарий педагогик адабиётлар, мактабларда ўтказилган тажриба-синов ишларидан олинган натижалар ҳамда уларни қиёсий ўрганишга таяниб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. 5-6-синфларда ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара адабий эртақлари ўрганилишига қарамай, бу дарсларнинг бугунги ахволини қониқарли деб бўлмайди. Бунинг бир қатор сабаб ва омиллари бўлса-да, улар ичида энг асосийси – директив ҳужжатлар – стандарт, дастурлар ва улар асосида яратилган дарслик, методик қўлланмалар ҳисобланади. Эндиликда улар илмий жиҳатдан исботланган, амалиётда ўз тасдиғини топган мезонлар асосида қайта кўриб чиқилиши ва такомиллаштирилиши лозим. Зеро, ишимизнинг биринчи бобида таъкидлаганимиздек, ҳозир амалда бўлган дарсликларда эртақларнинг тўлиқ матни келтирилмай, муаллифларнинг асар тўғрисидаги қарашлари, хулосаларининг келтирилиши ёки савол ва топшириқлар тузишдаги умумийлик, бир хиллик, фактологик характердаги саволларни тақдим этиш каби ҳолатларнинг ўзиёқ фикримизни асослайди.

2. Дастур талабига кўра 5-7-синф ўқувчилари хилма-хил асарларни ўқиш жараёнидаги зарур назарий билимларни ҳам ўзлаштириб боришлари лозим. Шу босқичда ўқувчиларда бадиий асарнинг шакл ва мазмун жиҳатидан яхлитлиги ҳақидаги тасаввур ҳосил қилинади. Лекин 5-синф адабиёт дарслигида жанр ҳақидаги назарий маълумотларни беришда изчилликка эътибор берилмаганлигини кўриш мумкин. Яъни дарсликда Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, Мақсуд Шайхзоданинг “Искандар Зулқарнайн” эртақ-достонлари, Шукруллонинг “Умр ҳақида эртақ” номли эртақ-шеъри, Х.К.Андерсеннинг “Булбул” адабий эртаги, Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” қисса-эртаги ўрганиш учун тавсия этилган бўлса-да, шулардан фақат эртақ-достон ҳақидаги назарий маълумотгина берилган, холос. Бизнингча, мана шу назарий маълумотда эртақ-қиса, эртақ-шеърлар ҳақидаги қисқа маълумотларнинг ҳам бўлиши ўқитувчи, айниқса, ўқувчиларга катта

ёрдам бўлади. Тўғри, таҳлил жараёнида асар жанри ҳақида ҳам маълумотлар бериш мумкин. Аммо бошқа воситаларга қараганда, дарслик энг қизиқ ёки тушуниши қийин бўладиган ўринларга қайтиш ва уларни кейинчалик мукамал ўйлаб кўриш имконини бериши билан устунликка эга.

3. Адабий эртакларни ўқитишдаги қоникарсиз ҳолат тўғрисида сўз кетганда, бир нечта мураккабликларни қайд этиш мумкин. Гап шундаки, дарсликка киритилган бир қатор адабий эртаклар сюжети асосида кинофильм ва мультфилмларнинг ишланганлигидир. Бу ҳолат ўқувчини асарнинг кинофильмини ёки мультфилмини кўрдим, уни ўқишга ҳожат йўқ, деган нотўғри тўхтамга олиб келади ва у жанрнинг бадиий қимматидан бебаҳра қолади. Бу ўринда ўқитувчи дарга замонавий ёндашиши ва ўқувчиларни мавзуга қизиқтириши керак бўлади. Яъни бунда сахналаштирилган дарслар яхши Самара бериши мумкин. Экранда кўрсатилмаган, фақат асардагина акс этган жиҳатларга урғу бериши мақсадга мувофиқдир.

4. Сўнгги вақтларда ўқувчиларга билим беришда турли ноанъанавий дарс усулларида самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, адабиёт фанидан баҳс-мунозара, суҳбат, конференция, назм дарслари ўтказиш яхши натижа бериши тажрибада синаб кўрилди. Бироқ ҳали қўл урилмаган ва синаб кўрилмаган, услубий очилмаган дарс ўтиш усуллари бир қанча, буни ўқитувчиларнинг ижодкорлиги ва ижрочилиги ҳал қилади.

5. Шунингдек, замонавий ёндашилган, ноанъанавий усулда ўтказилган адабий эртак дарслари ўқувчиларнинг билимларни яхлит ўзлаштиришларига ёрдам бериши тажрибаларда исботланди. Бундай тарзда ўтказилган дарслар ўқувчилар тафаккурини ўстиради, мустақил, ижодий фикрлашга ўргатади. Зеро, баркамло авлод тарбияси жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир.

6. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биз юқорида билдириб ўтган мулоҳазаларимиз илғор педагогик технологиялар асосида янада мукамаллашиб боради, деб ўйлаймиз. Зеро, таълимда тайёр рецепт билан иш кўриш мушкул. Бизнинг мулоҳаза ва тавсияларимиз ўқувчиларда ўзбек адабиётига меҳр уйғотиш, унинг китобхонлигини ўстириш, маънавиятини шакллантириш ва

уларни мустақил ижодий фикр эгасига айлантиришга муайян даражада хизмат қилади. Ҳис-туйғулари гўзал, эзгу эътиқодли инсонни тарбиялаш, аввало, бадиий адабиётни ўрганишнинг бетакрор йўлларида бошланади. Нафис қалбнинг шаклланиши гўзалликни англашдан ибтидо олади. Шу боис мазкур ишимизда ўқувчиларнинг адабий эртак дарслари бўлган адабий таҳлил кўникмаларини таркиб топтириш воситалари ва усулларига ҳамда уни малакага айлантириш йўллариини белгилашга алоҳида эътибор берилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиз.
– // – Халқ сўзи. – 2010. – 28 январ. – № 19.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.
– // – Халқ сўзи. – 2010. – 30 январ. – № 21.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор. Тошкент, 2009.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил, 29 август.
- Тошкент, “Шарқ”, 1997.
6. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Шарқ, 1999 йил. 23-бет.
7. Абдуллаева Р. Эртақлар устида ишлаш. // – Тил ва адабиёт таълими. 2009 йил, 11-сон.
8. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент, 2003 й.
9. Аҳмедов С., Қосимов Б., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. 5-синф учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2007.
10. Гусев Д.Е. Этика фольклора. Ленинград, Наука. 1967г.

11. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
12. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996 йил. 62-бет.
13. Йўлдошев Қ. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докторлик дисс. – Т.: 1997. 150-бет.
14. Йўлдошев Қ., Мадаев О., Абдурахмонов Л. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1999 йил.
15. Каримов Н., Норматов У. Адабиёт. 5-синф учун дарслик-мажмуа. – Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
16. Конфуций ҳикматлари. 5-синф учун дарслик-мажмуа. – Т.: “Ўқитувчи”, 1999. 37-бет.
17. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти.
18. Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
19. Мирқосимова М. Адабий суҳбатлар (методик қўлланма). – Т.: 2000.
20. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: “Фан”, 2006.
21. Мўминов Ғ. Ўзбек адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли. – Т.: “Фан”, 1985.
22. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм. – Т.: “Фан”, 1987.
23. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик.
24. Олимжон Ҳ. Сайланма. Дарё каби уйғоқ ўтурман. – Т.: “Шарқ”, 2009.
25. Олимов С., Аҳмедов С., Қўчқоров Р. Адабиёт. 6-синф учун дарслик-мажмуа. – Т.: 2006.
26. Собиров О. Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор. – Т.: “Фан”, 1974.
27. Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 йил.
28. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Бакалавр йўналиши учун ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
29. Тўхлиев Б., Ниёзметова Р., болтаева И. Дарсликлар устида ишлаш. – Т.: “Фан”, 2007.

30. Тўхлиев Б. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. – Т.: 2008.
31. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури.
// – Таълим тараққиёти ахборотномаси. – Т.: “Шарқ”, 1999. 1-махсус сон.
32. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари учун адабиётдан ўқув дастури. // – Маърифат., 2007. 4-7-9-октябр.
33. Усмонова З. Адабиёт ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланиш имкониятлари. // – Тил ва адабиёт таълими. 2005 йил, 3-сон.
34. Шайхзода М. Асарлар. 2-том. – Т.: 1971. 408-бет.
35. Шукрулло. Танланган асарлар. Уч томлик. 2-том. Шеърлар, дostonлар.
– Т.: “Шарқ”, 2009.
36. Ўзбек халқ эртаклари. 2-том. – Т.: 1964. 433-бет.
37. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.
38. Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари.
– Т.: “Ўзимкомцент”, 2003.